



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 7 апрель, шанба Баҳоси соғувда эркин нархда № 27 (7326)

## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2-5 апрель кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди.

Президентимизнинг Германияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида ва ватанимизга қайтаётиб самолётда берган интервьюларида мамлакатимиз раҳбарларининг хорижий давлатларга буюраётган расмий ташрифлари моҳиятида муҳим ўзгариш юз берганини таъкидлади. Хўш, бу ўзгариш нимадан иборат? Илгари хориж сафарига чиқилганда мақсад, асосан, Ўзбекистонни таъқитиш, у ҳақда маълум таассурот уйғотиш, иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланаётгани ҳам бунда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг бу фикри Берлин ва Дрезденда ўтган кўпдан-кўп мулоқотларда ҳам ўз исботини топди. Ислам Каримовнинг ГФР давлат ва ҳукумат бошлиқлари, раҳбариятидаги энг нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари эса уларнинг Ўзбекистонни минтақамиздаги муҳим ҳамкор сифатида билишини яна бир бор исботлади. Давлатимиз раҳбарининг Федерал президент Йоханнес Рау, Федерал канцлер Герхард Шрёдер, Бундестаг раиси Волфганг Тирзе, вице-канцлер, федерал ташқи ишлар вазири Йошка Фишер, федерал ички ишлар вазири Отто Шили, федерал иқтисодий

ва технология вазири Вернер Мюллер каби нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари, сўзсиз, юртимизга бўлган улкан қизиқиш ва эътиборнинг белгисидир. Айтмоқчимизки, бир сафар давомида, нафақат бугунги Германия сиёсатида, балки Европада катта нуфузга эга бундай арбоблар билан мулоқот ўтказиш ва кўплаб масалалар бўйича яқдилликка эришишнинг ўзини ташрифнинг муваффақияти, деб баҳолаша бўлади.

Президентимизнинг Германия федерал вазири билан ўтказган музокараларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан мулоқот Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати дунё миқёсида қўллаб-қувватланиши, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилса, ички ишлар вазири Отто Шили билан музокара халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Германиядек нуфузли шерикка таяниш имкониятини беради. Иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер ва иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазири билан мулоқотлар эса мамлакатимизга илғор немис технологияси кириб келиши, иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши учун янада кенгрок йўл очади. Шунингдек, Германиянинг Европа Иттифоқидаги нуфузли ўрнини ҳисобга олиб айтганда, бу сафар мазкур тузилма давлатлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларининг сезиларли кенгайишига хизмат қилади.

Ислам Каримов Тошкент ва Берлин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон-Германия муносабатларининг муҳим бўғини эканини алоҳида қайд этди. Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Эберхард Дигген билан учрашувда мана шу алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, икки давлат пойтахтларининг ҳамкорлиги бугун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам тобора кенгрок камраб олмақда.

Берлинда Ўзбекистон элчихонаси

янги биносининг очилиш маросими юртимизнинггина эмас, Германия ҳаётида ҳам катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. ГФР пойтахти Бонндан Берлинга кўчирилгач, бу ерда бирин-кетин хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари очила бошлади. Бироқ уларнинг барчасининг ҳам очилиш маросими Ўзбекистонникидек тантанали кечгани йўқ. Тадбирда икки юзга яқин меҳмон қатнашди ва улар орасида ГФР Бундестагининг йигирмадан ортиқ депутаты, кўплаб федерал вазирлик раҳбарлари бор эди. Соғлиги унчалик яхши эмаслигига қарамай, Германиянинг собиқ канцлери Роман Херцог ҳам бу маросимда иштирок этди.

Элчихона биносидаги безаклар, ҳақиқатан ҳам, кишини лол қолдирадиган даражада чиройли ишланган. "Усто" бирлашмасининг қўли гул хунармандлари томонидан деворларга ишланган паннолар кўпчилик меҳмонларни ҳайратга солди. Ислам Каримов Европанинг шундай бир сўлим, нуфузли гўшасида бу қадар гўзал иншоот бунёд этиш катта иш эканини алоҳида таъкидлади. Бу Ўзбекистоннинг маданиятини, салоҳиятини, бугунги нуфузини намойиш қиладиган бинодир, деди Президент.

Немис ишбилармонлари билан мулоқотлар ташриф дастурининг муҳим қисмларидан бири бўлди. "Даймлер-Крайслер"нинг Берлиндаги бош қароргоҳида Ислам Каримов немис бизнес оламининг етакчи вакиллари билан учрашди. Бу тадбир Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси томонидан ташкил этилди. Бу қўмита Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Учрашувда Президентимиз йиғилганларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, хомашё захиралари, улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида гапириб берди.

(Давоми 2-бетда)

**Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ГФР Федерал канцлери Герхард Шрёдер. Фарход Курбонбоев (ЎЗА) олган сурат.**

### СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

Чоршанба

Пайшанба

Жума

#### ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунларнинг ижроси бўйича республика Прокуратураси ва ички ишлар органларининг иши


тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

#### БИЗНЕС-СЕМИНАР

АҚШ Олий Ислам кенгаши вакиллари билан иборат делегация аъзолари иштирокида "Интерконтинентал" меҳмонхонасида бизнес-семинар бўлиб ўтди.

#### ОҚСИЛГА ҚАРШИ

Миллий матбуот марказида "Экосан" халқаро жамғармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамкорлигида бугунги кунда Европа мамлакатларида кенг тарқалаётган оқсил касаллигининг олдини олиш масаласига бағишланган конференция ўтказилди.



**9 апрель — Амир Темур  
таваллуд топган кун**

3-бетга  
қаранг

**Танишинг:  
Олимпиада  
ғолиблари!**

4-бет

**«Меҳмонхона»да  
одамларнинг бошини  
«қотириш»ни  
қотирадиган одам**

5-бет

**Бир томчи  
сув қадри**

8-бет

**Баҳор  
илҳомлари  
ўқитувчиларни  
чулғаганда...**

9-бет

**Космик  
нурлардан  
кваркларга**

13-бет

# ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистонда мавжуд минерал хомашё захиралари, америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Ислом Каримов немис ишбилармонларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё ва тоғ-кон саноати, коммуникация тармоғи бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

— Бугун биронта немис фирма ёки компанияси Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани, ўзаро ҳисоб-китобларда ноқобиллик қилгани тўғрисида эътироз билдира олмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Минтақамиздаги баъзи мамлакатларда бундай келишмовчиликлар юз берганини яхши биламиз. Шу сабабли фахр билан айта оламизки, бирор хорижий компанияни, айниқса, ўзимизнинг ишончли ҳамкоримиз деб билганларни ҳеч қачон ноқулай ҳолда қолдирмаганмиз, қолдирмаймиз ҳам.

Шу ўринда эътиборга сазовор бир воқеани эсламай бўлмайди. Ислом Каримов билан мулоқот бошида немис ишбилармонлари ўзбекистонлик талабалар учун иккита стипендия жорий этишларини маълум қилди. Аммо учрашув давомида Президентимизнинг самимий мулоқотга киришиб кетгани, ишбилармонларда ўзига, мамлакатимизга бўлган ишонччи янада оширишга эришгани сабабли бу стипендиялар сони ўнтага етди.

Бундай ҳолни Саксониядаги учрашувда ҳам қузатдик. Дастлаб иккита бўлган стипендиялар сони мулоқот охиригача 15 тага бориб қолди. Бу, биринчидан, давлатимиз раҳбарининг самимий суҳбати дарҳол амалий натижа берганидан даракдир. Иккинчидан, шу кичкина, бир қарашда арзимасдек туюлган мисоллар орқали немис ишбилармонларининг Ўзбекистонга ишончи янада мустаҳкамлангани, бу эса келажакда иқтисодиётимизга катта ҳажмда сармоя киритилиши учун замин яратганини кўрсатади. Қолаверса, энди Германияда талим оладиган ўзбек ёшларининг сони янада ошади.

Давлатимиз раҳбари Саксония федерал ерига бежиз ташриф буюрмади. Саксония Ўзбекистон билан Германия савдо-сотиғида муҳим ўрин тутди. Яъни, бу алоқаларда 30-35 фоиз улуш айнан мазкур федерал ер ҳиссасига тўғри келади.

1990 йилда икки немис давлати бирлашгандан сўнг янги федерал ерлар ташкил этилди. Саксония шулардан бири ҳисобланади. Унинг аҳолиси 4,7 миллион киши, майдони эса 18,338 квадрат километрди. Саксония янги ерлар орасида саноатлаштириш даражаси энг юқорилиги билан ажралиб туради. Федерал ер маркази Дрезден шаҳри ниҳоятда гўзаллиги учун “Элба бўйидаги Флоренция”, “Барокко маржони” каби таърифларига сазовор бўлган.

Илгари хабар берганимиздек, Ислом Каримов “Сименс” гуруҳининг “Инфинетон” техноложис Дрезден тarmoқ корхонаси билан танишди. Бу ерда, асосан, компьютерлар, принтерлар ва бошқа замонавий ускуналар учун чиплар ишлаб чиқарилади. Таъкидлаш жоиз, дунёда, бу ердагидан ташқари, фақат “Майкрософт” ва “Самсунг” корпорацияларигина шундай юксак технология маҳсулоти ишлаб чиқаради.

— Бу ерга томоша учун, ҳайратланиш учун келганимиз йўқ, — деди Президент. — Мақсад бу корхона маҳсулотини Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, компаниянинг юқори технологиясини юртимизга киритишдир.

Давлатимиз раҳбарининг айтишича, бизда бундай маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нисбатан осон кечади. Чунки Ўзбекистонда бу борада керакли мутахассислар тайёрловчи махсус олий ўқув юртлири бор.

Германияга ташриф давомида ўн тўртта ҳужжат имзоланди. Улар молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутди. Ҳужжатлар орасида, айниқса, сайёҳлик соҳаси бўйича имзоланган ҳужжатлар анчагина. Улар Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг кўпайишида, соҳа бўйича немисларда тўпланган тажрибани ўрганишда жуда қўл ке-

лади. Молиявий ҳамкорлик соҳасидаги бир неча келишув эса кредитлар олиш, турли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Сўнгги юз йилдан ортиқроқ вақт ичида Ўзбекистон иккинчи уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. XIX аср охири — XX аср бошларида жадидлар ўзбек ёшларини хорижда, жумладан, Германияда ўқитишга ва маърифатини оширишга уринган эди. Аждодларимизнинг бу саъй-ҳаракати чор мустамлакаси зулмидан эзилаётган халқнинг қаддини тиклашга бўлган улкан интилиш эди.

Истиқлол эса халқимиз тарихидаги янги уйғониш даврини бошлаб берди. Бироқ бу гал биз мустақиллик берган имконият ўларoқ миллатимиз қаддини тиклаш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиши учун жуда кенг кўламдаги ишларни амалга оширяпмиз. Улар сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, қўйингки, ҳаётдаги барча соҳаларни қамраб олган. Биз дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари қатори Германия билан ҳам муносабатларимизни юксак поғоналарга кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига мазкур учинчи ташрифи эса ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи бошланаётганидан далолат беради.

**Анвар КАРИМОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири**  
**Тошкент-Берлин-Дрезден-Тошкент**

## ЎҚИТУВЧИЛАР СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

**Вилоятимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўтказиладиган ўқитувчилар съезидига қизгин тайёргарлик ишлари кўрилмоқда. Барча мактабларда махсус педагогик кенгашлар, туманлар миқёсида эса таълим соҳаси ходимларининг съездолди конференциялари ўтказилди.**

Яқинда Самарқанд Давлат университетининг мажлислар залида Боғишамол тумани халқ таълими ходимларининг конференцияси юқори савияда ўтказилди. Туман ҳокими Н.Пардаев, СамДУ ректори, профессор Р.Холмуродов, шаҳар халқ таълими бўлими мудири А.Маждовлар конференцияда иштирок этиб, сўзга чиқдилар. Конференцияда ТХТБ мудири Муҳиба Бобобекова сўз олиб, туман халқ таълими соҳасида мустақиллик йиллари мобайнида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган муваффақиятлар ва олдинда турган муаммолар ҳақида фикр юритди.

Маърузачи Боғишамол тумани имкониятларини эътироф этган ҳолда “Бизнинг туманлар ўртасида барча кўрсаткичлар бўйича вилоятда эгаллаб турган ўрнимиз ҳозиргидан ҳам юқори бўлиши мумкин. Бунинг учун янада фидойилик лозим”, деди.

Музокаралар юзасидан сўзга чиққан делегатлардан 58-мактаб директори ўринбосари А.Беялова, 8-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Н.Шарипова, 15-сон болалар боғчаси мудири С.Ф.Чернишова ва бошқалар конференция иштирокчиларини ёш авлодни ҳар томонлама камолотга етказиш йўлида ҳормай-толмай ишлашга даъват этди.

Анжуманда вилоят конференциясига делегатлар сайланди. Улар ўзларининг жамоаларида ва таълим аҳли олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда учраётган муаммоларни, таклифларини вилоят ўқитувчилари конференциясига етказишга ваъда бердилар.

**Н.ШЕРБОЕВА**

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни камол топтириш бугунги кунда мамлакатимизда умуммиллий ва умумдавлат миқёсига кўтарилди. Чунки, ҳар қандай юртининг, мамлакатнинг порлоқ келажакдаги маънавий ва жисмоний жиҳатдан етуқ бўлган билимдон ёшларнинг фаол ҳаракатига ҳам боғлиқдир. Бу ҳақда Юртбошимиз И.Каримов республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳам атрафлича тўхталиб, бу борадаги вази-

## ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

фаларни аниқ ва равшан айтиб ўтган эди.

Айни дамларда Президентимизнинг ушбу нутқидан келиб чиқадиган вазифалар жойларда атрофлича ўрганилаётди. Жумладан, Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманидаги 15-касб-хунар лицейида ҳам ушбу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда лицей талабалари иштирок этишди. Йиғилиш гоёта мазмунли ўтди. Унинг ҳар бир иштирокчиси қалбида она-Ватанга, юртга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси янада кучайди. Зеро, сўзга чиққан ёшларнинг фикр-мулоҳазалари шундай дейишимизга асос бўла олади.

**Гулноза БЕГИМҚУЛОВА**

## ЛИЦЕЙДА ХОРИЖИЙ МАРКАЗЛАР ОЧИЛДИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги С.Раҳимов академик лицейида шу кунлардан эътиборан Миср, Ҳиндистон, Покистон каби Шарқ давлатларининг маданият марказлари ҳамда мазкур илм даргоҳи ЮНЕСКО тасарруфидаги Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлганлиги боис, бу ерда халқаро “ЮНЕСКО” клуби ҳам ўз фаолиятини бошлади. Хорижий маданий марказлар ва халқаро клуб очилиши муносабати билан академик лицейда катта байрам тантаналари уюштирилиб, унга “Саодат” журнали бош муҳаррири, шоира Ойдин Ҳожиева ва Фафур Ғулом уй-музейи раҳбари, ёзувчи Олмосхон Ғуломова ҳамда ОУМТ вазирлиги ўМКХТ Маркази, шаҳар ўМКХТ бошқармаси, ТДШИ ректорати, турдош таълим муассасаларидан меҳмонлар таклиф этилди.

— Дунё икки нарсага сунанади, — деди ёшлар билан учрашувда халқимизнинг сеvimли шоираси Ойдин Ҳожиева. — Бу кекса авлоднинг кўп йиллик ҳаёт тажрибаси ва ёшларимизнинг жўшқин куч-ғайратидир. Давлатимиз айни чоғда шундай юксак шароитлар яратиб берапти экан, бундан ёшлар оқилона, мумкин қадар тўлиқ ва самарали фойдаланишлари зарур.

Байрамда академик лицейнинг бугунги ҳаёти ҳақида сўз юритувчи “Нурли келажак” фильми намойиш қилиниб, у “Аёл дунёни тебратди” бадиий-шеърый композиция билан давом эттирилди. Айниқса, ўқувчилар томонидан яратилган Тўмарис, Сароймулкхоним, Гулбаданбегим, Зебинисо-бегим, Нодирабегим, Зулфияхоним тимсоллари кўпчиликда ҳавас ила ҳайрат ҳиссини уйғотган бўлса, ажаб эмас.

**Нур АЛИ**

## ВАТАНГА МУҲАББАТ КЎЗИ БИЛАН ҚАРАЙЛИК

XXI аср ёшлари маънан бой, руҳан тетик, эркин фикрли, баркамол, фан ва техника ютуқларидан хабардор ҳамда ўз замонаси билан ҳамдаму ҳамнафас бўлмоғи керак. Чунки Ўзбекистоннинг келажакдаги ёшлар қўлидадир. Буюк бобомиз Амир Темур билимсиз, талбирсиз, лоқайд кишиларни қоралаган. Бундай кишиларнинг на ўзига, на жамиятга нафи тегади. Бунақаларда на гурур, на фахр бўлади. Бундай ёшларни халқимиз “Берсанг ейман, урсанг уламан” дейдиганлар хилига қўшади. Афсуски, бизнинг орамизда ҳали мана шундай ёшлар йўқ эмас.

Биз ёшлар замон талабига жавоб бера оладиган даражага етишсакгина, “Биз XXI аср ёшларимиз” деб баралла айтишга ҳақлимиз. XXI асрда ёшлардан хушёр булиш, ватанига муҳаббат кузи билан қараш, ватанфурушларга қарши курашиш, Президентига, халқига садоқатли булиш талаб қилинади.

**Нигина РАҲМАТОВА,**  
ўқувчи

Ўғил-қизларимизнинг жисмонан соғлом, маънан пок бўлишлари учун уларда ахлоқий фазилатларни таркиб топдиришда спортнинг ўрни бекиёсдир. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулоти қизиқарли, жонли ташкил этилса, болажонлар мурғаклик чоғларидаёқ спортнинг ўзлари қизиққан турлари билан шуғуллансалар, келажакда

## «БЎҒИРСОҚ»ДА МИЛЛИЙ КУРАШ БИРИНЧИЛИГИ

яхши кўрсаткичларга эришишлари, табиий.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 248-“Бўғирсоқ” болалар боғчасида туман халқ таълими бўлими, “Узгент” маҳалласи ҳамда ота-оналар ҳамкорлигида “Алпомиш авлодлари” шиори остида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида спортнинг миллий кураш ва шашка турлари бўйича туман биринчилиги учун ҳудудий мусобақа бўлиб ўтди.

Беллашувда Эски Жўва худудидан жой-

лашган 20, 70, 88, 102, 144, 169, 172, 248-болалар боғчаларининг ёш спортчилари ўзаро куч синашдилар.

Миллий кураш бўйича қизиқарли ўтган мусобақада Абдулла Маҳмудов I (172-боғча), Улугбек Каюмов II (169-боғча), Мохир Муродхонов III (248-боғча) ўринни эгалладилар. Шашка бўйича ўтказилган беллашувда эса Ислом

Саъдуллаев I (169-боғча), Достон Қутбиддинов II (144-боғча), Шохруҳ Каюмов III (88-боғча) ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Мусобақа ғолиблари ТХТБ, туман ҳокимияти спорт кўмитаси, “Узгент” маҳалласи ҳамда ота-оналар томонидан ЛЕГО, спортга оид жиҳозлар, канцелярия моллари, юмшоқ ўйинчоқ каби эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

## ИЖОДКОР АЁЛЛАР УЧРАШУВИ

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналист хотин-қизларнинг Наврўз байрами муносабати билан давра йиғилиши бўлиб ўтди. Кечани Хуршид Дўстмуҳаммад кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни байрамона безатилган дастурхонга таклиф қилди. Таникли журналистлардан Ойдин Ҳожиева, Муқаддас Абдусаматова, солиқ муҳаррирлар Холида Аҳророва, Фарид Усмоновалар сўзга чиқиб, ижодкор аёлларни байрам билан табриқладилар. Озода Назарова, Хусниддин Юнусов каби саръаткорлар гўзал кўшиқлари билан барчани хушнуд этишди. Хуллас, йиғилиш каттаю кичик ижодкорларнинг яқиндан ва дўстона дийдорлашувига сабаб бўлди.

**Муножат РАҲИМЖОН қизи**

## ТЕМУРИЙЛАР МУЗЕЙЧИЧИК ЯНТИ ЭКСПОНАТЛАРИ

Амир Темур таваллудининг 665 йиллигини нишонлаш арафасида Темурийлар тарихи давлат музейи коллекцияси янги экспонатлар билан бойди. Музей жамғармаси раҳбари, илмий ходим Назира Охунбобоева бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу ерда Гўри Амир мақбарасидан 1941 йилда М.Герасимов бошчилигидаги олимлар томонидан мақбара очилган пайтда олинган кийимлар намуналари илк бор намоёиш этилади. Маълумки, Самар-

қандаги археологик изланишлар қарийб уч йил давом этган. Топилмалар илмий тадқиқот мақсадларида узоқ йиллар Фанлар академиясининг Археология ва тарих институтида сақланиб келинган ва эндиликда улар жамоатчилик мулкига айланади.

Музейда илк бор кийим, мато, шойи белбоғ, хушбўй ўсимликлар—райхон ва ялпиз, Куръон оятлари ёзилган кафан, Бибиҳонимнинг тақинчоқлари, Мироншоҳ қабридан олинган мунчоқ намуналари, шунингдек, Бибиҳоним қабридан олинган арабча

ёзув битилган кафан намоёиш этилади.

Берлиндаги Ислон маданияти музейи директори, доктор Ф.Эндерлайннинг совғаси музейимиз жамғармасининг қимматли мулкига айланди. У Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси орқали Мирзо Улуғбекнинг (1394-1449) укаси Бойсункур Мирзога (1397-1433) тегишли коллекциядан олинган 28 миниатюрадан иборат китобнинг нусхасини бериб юборган. Китоб саҳифаларини безаб турган ажойиб шарқона миниатюралар музейга ташриф

буюрганларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Аҳмад ибн Арабшоҳнинг XVII асрда Голландияда араб тилида чоп этилган "Темур тарихи" китоби ҳам музейимизнинг янги экспонати ҳисобланади. Ушбу китоб Президент Ислон Қаримовга швейцариялик коллекционер томонидан совға қилинган эди. Президентимиз китобни музейга тўхта қилди. Китобга лотин тилида ёзилган сўзбоши ўша даврдаги европалик олимларнинг соҳибқирон ҳаётига бўлган катта қизиқишларидан далолат беради.

Янги экспонатлар орасида 1999 йил Италияда чоп этилган "1403-1406 йилларда Самарқандга саёҳат" деб номланган китоб ҳам бор. Унинг муаллифи Кастилия қиролининг соҳибқирон саройидаги элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо ҳисобланади. У ўша пайтда тўрт ой мобайнида Трапезунддан Самарқандга саёҳат қилган. Китобда Амир Темур ҳаёти ва унинг саройи ҳақида ноёб маълумотлар бор.

**А.ТҮЙЧИБОЕВА,**  
ЎЗА мухбири

**Маърифатли Мовароуннахр руҳи, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.**

Ислон КАРИМОВ

Адолатпарвар ва халқпарвар Соҳибқирон мамлакатда осойишталик ва фаровон турмуш барқарорлигини таъмин этиб келган. "Менинг мақсадим, — деган эди Амир Темур ўғитларида, — мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир." Унинг таърифича, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, бу эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига ва салтанатнинг кучсизланишига сабаб бўлади. Шунинг учун, солиқ ишларида деҳқоннинг ҳосили ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг розилиги билан хирож тузугига мувофиқ одилона иш тутиш талаб қилинган. Солиқ тўловчи солиқни буйруқ бермай, яхши сўз билан олиши, ишни уриш-сўкишга олиб бормаслиги амр қилинган.

Амир Темур: "Кимки бирон саҳрони обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганин олсинлар. Учинчи йили эса олиқ-солиқ қонунқоидасига мувофиқ хирож йиғилсин", деб

## Amir Temur tavalludining 665 yilligi



## ЙИРИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ДОНО СИЁСАТ ЙЎЛИДА

ҳукм чиқарган. Ҳар ер ва элнинг амалдорлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, зарарни амалдордан ундириб, жабр кўрганларга бериш шарт ҳисобланган. Ҳароб бўлиб ётган ерларни эгаси обод қилишга қурби етмаса, унга ўз ерини обод қилиб олсин, деб турли асбоблар ва керакли нарсалар беришни амр этган: "Ҳамишалиг таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадоё бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан".

Мовароуннахр ва Хуросоннинг катта-кичик дарёларига иншоотлар бунёд этган, сув омборлари ва ҳовузлар қурдирган Амир Темур ўлканинг сув танқислиги кучли бўлган ҳудудларини сув билан таъминлашга, қоризлар очиши, бузилган кўприкларни тузатиш, манзилгоҳларга раҳбарлар қуриш, йўللарни тузатиш ва сақлаш ишларини назорат этувчи соқчилар қўйишдай юртпарварлик амалларига бош-қош бўлди. Айна пайтда Соҳибқирон савдогарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Унинг ўғитларида шундай ҳукм мавжуд: "Сармояси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин...". Карвонларга ҳужум қилган ҳамда талаганлар қаттиқ жазоланган. Нархлар устидан назорат ўрнатилган — бозорларда нархларни ҳаддан ташқари кўтариб

юборганлар ҳам қаттиқ жазоланган. Бундай сиёсат ички ва ташқи савдонинг ривожланишига, Буюк Ипак йўлини мўғул истилосидан кейин қайта тиклашга имкон яратган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Соҳибқирон амалга оширган ижтимоий, иқтисодий ва маданий тадбирлар, давлат ва ижтимоий тузум ислохотлари Марказий Осиёнинг барча халқлари бирдамлиги ва ўзаро ҳамкорлиги жараёнига зўр таъсир кўрсатган. Темур ва темурийлар даврида қадимги воҳалар атрофидаги чўл зонасида ишлаб чиқариш ривожланиб, алоқалар ва минтақа тарқоқлиги тугатилган, Мовароуннахр шаҳарларида маданият, хунарманчилик ва савдо гурираб ривож топган, қабилавий зодагонлар ўрнига янги маъмурий табақалар пайдо бўлган, ўлкада этномаданий ва этносиёсий жараёнлар авж олган.

Ўша даврдаги Мовароуннахрни ташқи дунё билан боғлаб турган карвон йўллари бир неча тармоқдан иборат эди, шимолий йўл Қозоғистон ва Хоразм орқали Волга бўйи ва Олтин Ўрда ҳудудида, жануб ва жанубий шарқдаги мамлакатларни боғлаган иккинчи йўл Хуросон, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Хиндистон, ҳатто Хитой билан мунтазам иқтисодий алоқаларни олиб боришга имкон яратган.

Ислон дини ҳам соҳибқиронга ғоявий байроқ ва таянч бўлиб хизмат қилган. Тарихий манбаларга кўра, Амир Темур ўз

аскарларини, барча фуқароларни мусулмончилик руҳида тарбиялашга, ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, тарбиявий ишларида диндан ахлоқий-маънавий омил сифатида оқилона фойдаланишга ҳаракат қилган. "Яна тажрибамда кўриб билдимки, — деган эди Соҳибқирон, — давлат агар дину қоида асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади... Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим."

Амир Темур тузуқларини авлодларга намуна бўлар, ворислар салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдаланар, деган умид билан яратган. Унинг бахтиёр фарзандлари ва иқтидорли набиралари салтанат мартабасига эришгач, амал қилиши зарур бўлган энг дастлабки шиори қуйидагича таърифланган: "Давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузўгим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим".

Айрим тарихчиларнинг таърифича, Соҳибқироннинг "ўз қўли билан ёзилган "Қонунлар"и ("Темур тузуқлари") бошқа асарлардан "ўзининг соддалиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради".

Мавжуд тарихий манбаларда таъкидланганидек, мазкур асарнинг пайдо бўлишида муаллиф Қобуснома ва қонунчиликка доир китобларни кунт билан ўрганиб ўзлаштирган.

Маълумки, қонунчиликни такомиллаштириш, шариат ва фикҳни мустаҳкамлаш учун бу соҳада кенг халқ оммасининг ўз бурчи ва иймони олдидаги масъулиятини кучайтириш зарур бўлган. Амир Темур адолатга таянган ҳолда фуқароларнинг онгини ўстиришга, мусулмончиликни улар қалбига чуқур сингдиришга интиланган. Шу мақсадда у барча ўлкаларда саййидлар, уламою машойих, оқилу донолар, файласуфлар, тарихчиларнинг иззату ҳурматларини жойига қўйган. Соҳибқирон шижоатли кишиларни дўст тутган, илм аҳли ва уламо билан суҳбатлар қуриб, пок ниятли, тоза қалбли инсонларни ардоқлаган, дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутиб, уларнинг кўнглини кўтарган. Соғлом авлодни етиштириш учун барча тадбирларни амалга ошириб, насл-насабга зарар келтирадиган гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қатъиян қарши чиққан. Унинг таърифича: "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишини ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузулишига таъсир этгай, деб покиза йўлни тутдим".

Амир Темур қонунчиликка тўла риоя қилинишини кўзлаб, турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида хабар қилиб туришни буюрган, сипоҳ ва раият орасида келишмовчиликлар юзага келганда маълумот бериб туриш учун, махсус адолат

амири тайинланган.

Мамлакатнинг ободонлиги барча тоифадаги фуқароларни иш ва маош билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва турмуш шароити билан белгиланади. Соҳибқирон тузуқларида шундай деб ёзилган: "Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари хилватда ўлтирувчи (зоҳид)ларини суюрғол, вазифа ва маош (нафақа) билан сийласинлар. Фақир мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларига бирон вазифа берсинлар".

Амир Темур мамлакатда ишлашга қобил, куч-ғайрати бор шахсларнинг текинхўрлик мақсадида тиланчилик қилишига қаттиқ қарши бўлган. Унинг фармони билан дайдиларни иш билан таъминлаш, уйсизларни уйли қилиш, аммо онгли равишда гадоликни касб қилган соғлом кишиларни тўплаб, ишдан бўйин ўгиришса, салтанатдан ҳайдаб чиқаришга ҳукм этилган. "Ҳар мамлакатнинг гадоиларига вазифа юклаб берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин", деб фармон чиқарган Соҳибқирон...

**Исо ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА  
ОЛИМПИАДАСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ ГОЛИБЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Фамилияси ва исми	Вилоят	Туман, мактаб	Фан	Балл	Ўрни	Гувоҳ- нома номери
1.	Козимова Зумриниса Исмоиловна	Тошкент шаҳ.	Яккасарой тум. ТДПУ ак.лицей	Она тили ва адабиёти	84	I	345
2.	Аҳмадалиева Адолатхон Ҳакимжонна	Наманган	Янгиқўрғон тум. Интернат лицей	Она тили ва адабиёти	78	II	346
3.	Раҳимов Азаматжон Усмонжонвич	Андижон	Избоскан тум. 6-ИХТ лицей	Она тили ва адабиёти	76	III	347
1.	Кувашева Закида Раҳимбаевна	Тошкент вил.	Урта Чирчиқ тум. 31-мактаб	Қозоқ тили ва адабиёти	96	I	351
2.	Серикбаев Бауыржан Абайевич	Навоий	Конимех тум. 12-мактаб	Қозоқ тили ва адабиёти	88	II	352
3.	Смайлова Миргул Алланазаровна	Хоразм	Урганч тум. 30-мактаб	Қозоқ тили ва адабиёти	76	III	353
1.	Рафиқова Юлия Комиловна	Тошкент шаҳ.	Миробод тум. 60-мактаб	Олмон тили	100	I	354
2.	Темирова Муқаддас Убайдуллаевна	Бухоро	Вобкент тум. 30-мактаб	Олмон тили	96	II	355
3.	Вахобов Муродил Махаматович	Фарғона	Марғилон шаҳ. 6-мактаб	Олмон тили	84	III	356
1.	Шумилова Алина Александровна	Наманган	Уйчи тум. 6-мактаб	Рус тили ва адабиёти (рус мак.)	98	I	357
2.	Калинина Елена Юрьевна	Тошкент шаҳ.	Ҳамза тум. 166-мактаб	Рус тили ва адабиёти (рус мак.)	94	II	358
3.	Юсупова Гуландом Алижановна	Фарғона	Фарғона шаҳ. 2-мактаб	Рус тили ва адабиёти (рус мак.)	92	III	359
1.	Зуфаров Шерзод Сабирович	Тошкент шаҳ.	Юнусобод тум. 51-мактаб	Француз тили	100	I	371
2.	Бараташвили Гуляндар Алихановна	Самарқанд	Темирйўл тум. 43-мактаб	Француз тили	98	II	372
3.	Абдуллажоннова Маъмура	Фарғона	Фарғона шаҳ. 2-мактаб	Француз тили	98	III	373
1.	Раҳмонов Умид Олимович	Бухоро	Қорақул тум. 1-ИБМИ	Математика	86	I	365
2.	Атаджанов Атабек Машарипович	Хоразм	Кўшкўпир тум. 4-лицей	Математика	86	II	366
3.	Комилов Нозим Ҳайруллаевич	Фарғона	Кўқон шаҳ. Иқтисод.лиц.	Математика	82	III	367
1.	Равшанов Мехриддин Раббанаевич	Бухоро	Қорақул тум. 1-ИХТ мак.инт.	Физика	76	I	364
1.	Икромов Муниса Шералиевна	Самарқанд	Жомбой тум. 17-мактаб	География	98	I	362
2.	Акулов Абдулазиз Уролбоевич	Жиззах	Зомин тум. 2-лицей	География	88	II	363
1.	Солиева Гулнисо Солибоевна	Бухоро	Пешку тум. 9-мактаб	Тоҷик тили ва адабиёти	90	I	360
2.	Турсунова Зоҳида Муҳаммаджонна	Наманган	Косонсой тум. 10-мактаб	Тоҷик тили ва адабиёти	78	II	361
1.	Мусаев Жасурбек Олимбаевич	Хоразм	Ургенч шаҳ. 6-лицей	Инглиз тили	98	I	368
2.	Хасанова Иродахон Баситхоновна	Тошкент шаҳ.	Чилонзор тум. 90-мактаб	Инглиз тили	96	II	369
3.	Усманов Сардорбек Ураимжонвич	Андижон	Андижон шаҳ. 1-гимназия	Инглиз тили	92	III	370
1.	Иброҳимова Наргизхон Рустамовна	Фарғона	Бувайда тум. Лицей интер.	Рус тили ва адабиёти (ўзб.мак.)	96	I	374
2.	Собирова Дилноза Жўрақулловна	Навоий	Навоий шаҳ. Академик лиц.	Рус тили ва адабиёти (ўзб.мак.)	96	II	375
3.	Ҳамидова Элеонора Ҳамидовна	Андижон	Бўз тумани 26-лицей	Рус тили ва адабиёти (ўзб.мак.)	94	III	376
1.	Ҳайруллаев Азиз Исмоилович	Жиззах	Зомин тумани 2-лицей	Кимё	98	I	389
2.	Якубов Мусобек Аллаберганович	Хоразм	Хива тумани 2-лицей	Кимё	76	II	390
1.	Хусаинов Улўғбек Шўҳратджанович	Наманган	Наманган тум. Юридик лицей	Ҳуқуқ	90	I	377
2.	Дадажонов Беҳзод Баҳодиржонвич	Андижон	Олтинқўл тум. 27-лицей	Ҳуқуқ	88	II	378
3.	Ҳакимов Учқун Ҳамитович	Навоий	Навоий шаҳар 12-мактаб	Ҳуқуқ	88	III	379
1.	Султонов Бекзод Нодирович	Тошкент шаҳ.	Шайхонтохур т.ТАҚИ лицей	Информатика ва хисоблаш техникаси асослари	98	I	380
2.	Идиятдинов Жаксылык Жугинимович	ҚҚР	Нукус шаҳар респ.8-лицей		88	II	381
3.	Усмонов Саидахмад Соҳибжонвич	Наманган	Наманган шаҳ.8-мак.		86	III	382
1.	Сатторов Форруҳмирзо Мирзахамидович	Тошкент вил.	Ангрен шаҳар 22-мактаб	Ўзбек тили	92	I	399
2.	Бекмуродова Азиза Анваровна	Самарқанд	Боғишамол тум. 34-мактаб	Ўзбек тили	88	II	400
3.	Қосимова Шохизода Раҳматуллаевна	Тошкент шаҳ.	Сирғали тум. 6-мактаб	Ўзбек тили	84	III	401
1.	Рабиёв Шерзод Миржалилович	Сирдарё	Янгиер шаҳ. Академ.лицей	Тарих	98	I	391
2.	Исоқов Алишер Раҳматуллаевич	Тошкент шаҳ.	Чилонзор тум. Нафис сан.лиц.	Тарих	82	II	392
1.	Шамукимов Шўҳрат Абдушукорович	Тошкент шаҳ.	С.Раҳимов тум. ТошМИ 2-лиц.	Биология	93	I	396
2.	Эргашев Алишер Расулджанович	Тошкент вил.	Оққўрғон тум. 49-мактаб	Биология	90	II	397
3.	Рўзиева Гузал Муродиллаевна	Бухоро	Бухоро шаҳ. БДУ ихт.лицей	Биология	90	III	398
1.	Носиров Аброр Раҳмоналиевич	Сирдарё	Боёвут тум. Лицей	Чизмачилик	94	I	393
2.	Кенжемуратов Муратбай Кыдырбаевич	ҚҚР	Кўнғирот тум. 36-мактаб	Чизмачилик	90	II	394
3.	Ниязметов Рўздат Азимович	Хоразм	Хива тумани 2-мактаб	Чизмачилик	78	III	395
1.	Қурбонова Мунаввара Абдужаббаровна	Тошкент шаҳ.	И.Охунбобоев номли мак.интернат	Она тили ва адабиёти (мах.мак.)	94	I	386
2.	Пармонов Фуломжон Муродуллоевич	Самарқанд	59-мах.мак.инт.	Она тили ва адабиёти (мах.мак.)	90	II	387
3.	Худайберганова Омонжон Риймбаевна	Хоразм	Хива шаҳ.121- мах.мак.интер.	Она тили ва адабиёти (мах.мак.)	86	III	389
1.	Худайкулов Марат Норбутаевич	Хоразм	Хива шаҳ.121- мах.мак.интер.	Математика (мах.мактаб)	89	I	383
2.	Султонова Дилноза Исроилжонна	Наманган	Косонсой тум. 45-мах.мак.ин.	Математика (мах.мактаб)	86	II	384
3.	Йўлчибоев Ибодулло Ҳасанович	Тошкент шаҳ.	И.Охунбобоев номли мах.мак.интер.	Математика (мах.мактаб)	84	III	385
1.	Алымova Эльмира Жарылкатановна	ҚҚР	Шымбай тум. 44-мактаб	Қ/қалпоқ тили ва адабиёти	94	I	348
2.	Нажимова Раушан Шамшитдиновна	ҚҚР	Нукус шаҳ. 2-респ.лицейи	Қ/қалпоқ тили ва адабиёти	91	II	349
3.	Жерымбетова Толганой Қурбонбаевна	ҚҚР	Нукус шаҳ. 34-мактаб	Қ/қалпоқ тили ва адабиёти	86	III	350

МУАЛЛИМЛАРНИНГ  
СЪЕЗДОЛДИ  
АНЖУМАНЛАРИ

Шу йилнинг июнь ойида мустақил Ўзбекистон халқ таълими ходимларининг съезди ўтказилди. Маорифчиларнинг мазкур йигини ҳам мамлакатимизда халқ таълимига бўлган юксак эътибор намунасиридир.

Айни кунларда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида ўқитувчиларнинг съездолди конференциялари ўтказилмоқда. Ўтказилаётган анжуманларда халқ таълими тизимининг бугунги ҳаёти, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқич яқунлари ҳамда иккинчи босқични амалга оширишдаги энг муҳим вазифалар, эришилган муваффақиятлар ва бажарилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида фикрлашилмоқда. Шу билан бирга съездолди йигинларида энг фидойи, ўз ишининг моҳирлари бўлган халқ таълими ходимлари вилоят конференциясига делегат этиб сайланмоқда.

Андижон шаҳри муаллимларининг съездолди конференциясида халқ таълимидаги бугунги долзарб муаммолар ва уларни ечиш хусусида қимматли мулоҳазалар билдирилди.

Олтинқуллик халқ таълими ходимларининг Наврўз айёми арафасида ўтказган конференцияси, айтиш мумкинки, соҳа ходимларининг бугунги ҳаётини ифодаловчи кўзгү бўлди. Анжуманга ҳар бир таълим муассасаси ўзига хос тайёргарлик билан келди. Муаллим, мураббий ва тарбиячилар ҳамда мактаб ўқувчилари меҳнати билан яратилган буюмлар кўргазмаси, ўқув ва услубий адабиётлар, қўлланма ва ишланмалар намойиши туманда халқ таълими жадал ривожланаётганини англади.

Шунингдек, Балиқчи, Улуғнор, Булоқбоши туманларидаги конференциялар ҳам кўтаринки руҳда, иштирокчиларнинг фаоллиги билан ўтди.

О.СИДДИКОВ

Навоий вилояти туманларида ҳам мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида бўлиб ўтадиган республика ўқитувчилари съезди олдиан конференциялар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан Зарафшон шаҳар, Навоий, Навбахор, Нурота туманларида шундай анжуманлар бўлиб ўтди.

Анжуманларда сўзга чиққанлар ўқитувчиларнинг олдида турган вазифалари, масъулияти, тавсия, ўқув қўлланма, дарслик масалалари юзасидан фикр юритишди. Барча туманларда ўтказилган конференцияларда жами 3000 нафардан зиёд иштирокчилар қатнашиб, 400 нафари вилоят ўқитувчилар конференциясига делегат қилиб сайланди.

Улар "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиб, баркамол авлодни восяга етказишда қўллаб шогирдлар тайёрлаган, тажрибали устозлар ҳамда ташаббускор, изланувчан ижодкор ёш ўқитувчилардир.

Қизилтепа, Хатирчи, Конимех туманларидан сайланган делегатлар ҳукуматимиз томонидан халқ таълимига берилаётган эътибор, айниқса ўқитувчиларга яратилаётган имтиёزلарга жавобан "Ўзлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳар ўқув йилида биркирилган ҳомий ташкилотларнинг кўрсатаётган ишларига туман ҳокимларининг назорати етарли бўлмаётганлиги ҳақида, шунингдек, барча ўқув муассасалари ходимлари ўртасида амалдаги қонунларни атрофлича ўрганиш, педагогик ходимларни аттестациядан ўтказишда салбий эътирозларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмаслиги ҳамда устоз-мураббийларни замонавий билимга эга бўлишида уларнинг маълумотини ва малакасини оширишни пайсалга солиб қўймаслик каби долзарб масалалар устида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўткир ПЎЛАТ,  
Навоий вилояти

**Минглаб мухлисларга сиртдан таниш бўлган Фозилжон Ориповни меҳмонхонамизга таклиф этганимизда, у киши жиндай қаршилиқ билдирдилар: "Камина бундай иззатга лойиқмикан?"**

**Биз эса у кишининг фикрини рад этамиз. Бошқотирма барча соҳаларни ўзида акс эттириб, шахмат ўйини сингари кишини "чарх"лайди. Таъбир жоиз бўлса, Фозилжон Орипов, замирида барча фанлар мужассам бўлган бу соҳанинг Ўзбекистондаги энг кўзга кўринган вакиллари билан биридир.**

**Марҳамат, азиз мухлис, бошингизни кўп йиллардан бери "қотириб" келаётган киши билан биргасиз...**

**— Фозилжон ака, сизни бошқотирма тузишга ундаган куч нима эди? Илк ижод намунангиз эълон қилинган нашр қайси?**

— Ўтган XX асрнинг 60-йилларида бола эдим, ўқиб юрардим. "Гулхан", "Ғунча" журналларида ажойиб-ғаройиб шакллар ичига бекитилган сўзларни топишга шу қадар берилиб кетардимки, асти кўяверасиз. Ўша шакл-топишмоқларнинг тагида Саидолим Пирмухаммедов деган ёзув ҳам бўларди. Қанақа қилиб тузар экан, ечишнинг ўзи шунчалик қийин, тузиш бундан ҳам мураккаб бўлса керак, дея таажжубланардим.

Дастлабки уринишларим, 7—8-синфларда бизга чизмачилик фанидан дарс берган Эркин Рисқуллаев ёрдамида бўлган эди. Бошқотирмани тузиш учун инсоннинг теран ақли, билими ва шахсий мушоҳадаси бўлиши керак экан. Яна изланиш ва сабр-тоқат ҳам талаб этилади.

Таваккал қилиб, аммо умид билан газета, журнал таҳририятларига юборган бошқотирмаларим ўн йилгача кераксиз матоҳдек четга суриб қўйилаверган. Буни газетага босилиб чиқмаганидан билардим. Алаким келарди, қийинчилик билан тузган шаклларим қачон газета юзига кўради, дея ўз ёғимга ўзим қоврилардим. Билардим, ишонардим, менинг ижод намуналарим қачондир эътироф этилади. Ниҳоят, 1973 йилда "Гулистон" журнаlining 2-сонига босилиб чиқди. Хурсандлигимни тасаввур этолмайсиз.

**— Ўқувчилик йилларингизда қандай бола эдингиз?**

— Эски шаҳарнинг Чақар маҳалласидаги 82-мактабда, кейинчалик 56-мактабда ўқувчилик йилларим кечган. Табиатан жонсарак, юввош, камсуқум, ўзим билан ўзим бўлиб юраверардим. Тобим қочиб қолса ҳам, мактабдан қолгим келмасди.

Эсимда, атиги бир куни ўқишга бормаган эдим, мазам қочувди. Ўша куниёқ кечкурун синфимиз болалари хавотирга тушиб, бизникига келишган. Жиккаккина бўлганимданми, мени муаллимларимиз ҳам, ўртоқларим ҳам аяшарди. Аммо ўзимга яраша шўхликларим ҳам бор эди. Баҳор кезлари варрак учиршига ружу кўярдик. Бир куни том устига чиқиб, варрак учираман десам, унинг ипи қўлимдан чиқиб кетган. Варракни тутаман деб том устида югурганман.

## Меҳмонхона



ва табиатшунослик соҳасига доир шакллар кўпроқ.

Уларни тузиш масаласига келсак, ҳар соҳадан бир шингил билиш муҳим рол ўйнайди. Бисотимда 14 жилдлик энциклопедия, изоҳли луғат, табобат, ҳуқуқшунослик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид қомусий луғатлар бор. Бирорта соҳага, дейлик, табобатга оид бошқотирма тузмоқчи бўлсам,

# «МАНТИҚ ИЛМИ БАРЧА ФАНЛАРДАН УСТУН ТУРАДИ»

Лекин у туткич бермай баландлаб кетаверди. Том устидан тушиб кетишимга бир баҳя қолиб, худонинг ўзи асради.

**— Биласизки, ўқувчиликда қайсидир фанга боланинг мойиллиги кучлироқ бўлади. Сизни оҳанграбодек тортувчи фанлар сирасига қайсилари кирарди?**

— Аниқ фанлар — математика, геометрия, чизмачиликка мукаммалдан кетган эдим. Мисол ва масалаларни, аввало, ечардим. Ечолмай қолган кезларимда эса қораламалар олдимда тўлиб кетарди. IX-X синфларда кибернетика фанини ўрганишга ихтисослаштирилган синф ўқувчиси бўлганман. 36 нафар бола бу синфга танлаб-танлаб олинганди. Асосан, математика, физика, қисман химия, геометрия каби фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиларди. Ўзбек тили ва адабиёти, рус ва бошқа хорижий тиллар ҳафтасига бир-икки соатдан қўйилганди. Ўша синфда икки йил ўқиганлигим бугунги кунда мени минглаб бошқотирмалар муаллифига айлантирди.

**— Сизда бошқотирмаларни тузиш жараёни қандай кечарди?**

— Ҳозирга қадар тахминан 4 минггача бошқотирма, муаммомалар туздим. Булар орасида тарих

аввало, унинг шаклини чизаман. Табобатда рамз бор, масалан, илон чирмашиб, идишга оғзини солиб турибди.

Қушлар, гуллар ҳақида тузадиган бўлсам, аввало, шаклини келтириб, сўнгра уларнинг номлари тушадиган катакчалар чизиб оламан. Битта соҳага оид манбани қидириб топишга қийналмайман. Кутубхонада кўп йил ишлаганим қўл келади.

**— Барча замонларда мукаммал инсон гоёсилгари сурилган. Аждоғларимиз Навоий, Бобур, Нақшбандий, имом ат-Термизий, ал-Бухорий яшаган даврларда ҳам инсоннинг етуклик шартлари ҳақида ўйланган. Сизнингча, баркамолликнинг меzonлари қандай?**

— Бу саволингизга жавобим қисқа ва лўнда: илм, ҳунар, одоб. Илм эгаллаган инсонда, табиийки, одоб мужассамдир. Ҳунар эгаллаган кишининг ҳам мартабаси олимниқидан кам бўлмайди.

**— Ҳар бир халқнинг миллий урф-одатлари бор. У ана шу қадриятлари билан миллатдир. Миллий педагогикамизни шакллантириш ҳақидаги таклифлар, гоёлар илгари сурилмоқда. Аслида эса у**

**бизда бор, фақат яна ҳам ривожлантириш керак, шундай эмасми?**

— Фикрингизда асос бор. Миллий педагогиканинг замирида ҳам таълим-тарбия ётади. Таълим расмий ҳужжатларга асосланиб амалга оширилади. Тарбия эса ҳар қадамда, ҳаётдан олинади. "Тома-тома қўл бўлур" деган гап бор, тарбия мисқоллаб йиғилади. Таълимга қараганда тарбияни эгаллаш қийинроқ. "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", "Одоб илмдан афзал" дейишади.

Назаримда, илм-маърифатга, сиз таъкидлаганингиздек, мукаммаллик даражасининг эгалланишига ҳаётдаги ҳамма ҳамма нарса хизмат қилади.

Янги чоп этилаётган айрим газеталарда босилаётган бир қанча бошқотирмаларда бизнинг миллий педагогикамизга тўғри келмайдиган сўзларни ўқиб қоламан ва жуда ачинаман. Шу газе-

бор. Мен мураккаб, айти пайтда кишининг ақлию тафаккурини чархлашга ёрдам берадиган бундай шаклларни тузаётган ёшларни қўллаб-қувватлайман. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Қанийди, ҳар битта мактаб ўқувчиси биттадан бошқотирманинг муаллифи бўлса. Чунки мантиқ илми барча фанлардан устун туради. Фалсафа, математика ҳақида шундай дейишади. Лекин бу фанлар асосида ҳам мантиқ илми ётишига ҳеч ким эътироз билдирилмайди.

**— Бўш вақтингиз борми? Нима билан банд бўласиз?**

— Вақтга нисбатан бундай сўзни тиркаб айтишларига қаршиман. Эркин Воҳидовда шундай фикр бор: "Фурсат олтин, олтинингни сочиб борасан, Фурсат кувар, унга чап бериб, сўроғидан қочиб борасан". Оқил одамда бўш вақтнинг ўзи йўқ, чунки у ҳар бир соатдан унумли фойдаланади, бекор ўтирмасликка ҳаракат қилади. Соатлаб гап сотиб, улфатчилик қилган, телевизор қаршисида кўплаб вақтини ўтказадиган ёшларни кўрсам... Китоб ўқиш, ҳунар эгаллаш ёки спортнинг бирор тури билан шуғулланишга уларда ҳафсала бўлса дейман.

**— Биринчи муаллимингизнинг сизга берган сабоқлари хотирангизга муҳрланган бўлса керак?**

— Албатта, биринчи ўқитувчим Низом акани яхши эсламан. "Чиройли ёзув"дан олган баҳом фақат "5" бўлганидан доимо дафтаримни намуна қилиб мақтардилар. Юзаки, зўрма-зўраки дарс ўтмас эдилар. Иштиёқ, ҳавас бу кишида жуда кучли эди.

**— Сухбатимизни сизнинг ҳаётдаги шиорингизга айланган ҳикмат билан якунласак.**

— Шиорим: илм иста ва уни эгаллашга ўзингда куч топа бил! Менимча, ҳар бир инсон бундай имконга эга, гап бунга эришишда. Буюк бобокалонимиз Аҳмад Ясавий ҳикматларида молдунёнинг бир кун албатта қўлдан кетиши, лекин илму ҳунар унинг ўзи билан қолиши таъкидланади. Менинг улуғ алломалардан ошириб бир гап айтишим қийин. Фалсафий, ўлмас, бебаҳо ҳикматлар аллақачон айтиб қўйилган.

Сухбатдош  
Хулкар ТҮЙМАНОВА

**P.S. Саҳифамиз меҳмони, минглаб бошқотирмалар муаллифи Фозилжон Орипов ижодига мансуб янги, буюк бобокалонимиз Амир Темур фаолиятига бағишланган "Буюк соҳибқирон" кроссворди билан газетамизнинг 16-саҳифасида танишишингиз мумкин.**

# НАВОЙ ВИЛОЯТИ: 9-ДАН 5-ГА

Навоий вилояти абитуриентлари тестдаги самарадорлиги бўйича 9-ўринни эгаллаб келган бўлса, 2000 йил якунларига кўра, 5-ўринга кўтарилди. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган олий ўқув юртли абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги 33.17 фоизни ташкил этган. Утган 1999 йили олий ўқув юртлининг кундузги бўлимларида 6245 абитуриент ҳужжат топширган бўлса, 2000 йилда уларнинг сони 7130 та бўлган. Аммо ўқишга кирган абитуриентларнинг тайёргарлик коэффициенти 0.11 бўлиб, бошқа вилоятлардан бироз орқада қолганлиги кўринади. Вилоят бўйича олий ўқув юртлининг кундузги бўлимларида 799 абитуриент давлат грантлари бўйича ўқишга қабул қилинган.

Урта махсус ўқув юртлига кириш учун 4662 абитуриент тестда қатнашиб, улардан 1876 нафари талабалikka қабул қилинган. Навоий вилояти бўйича урта махсус ўқув юртлига танлов республикада энг юқори бўлиб, бир ўринга ўртача 6 киши тўғри келди.

Куйидаги жадвалда Навоий вилояти абитуриентларининг тест натижалари ўтган йилга таққослаб келтирилган. Кўришиб турибдики, француз тилидан бошқа барча фанлардан ўсиш содир бўлган.

1-жадвал  
Навоий вилояти абитуриентларининг  
фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги  
(Ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	1999 йил		2000 йил	
	Самарадорлик	Урин	Самарадорлик	Урин
Ўзбек тили ва адабиёти	31.66	8	28.88	6
Математика	33.72	10	34.32	9
Физика	28.84	8	29.06	7
Биология	38.88	8	36.39	5
Кимё	36.05	10	34.86	4
Тарих	39.82	7	33.10	5
География	43.63	9	43.35	4
Инглиз тили	36.17	10	34.89	8
Немис тили	27.34	10	28.03	9
Француз тили	31.72	9	28.87	10

Француз тили бўйича вилоят 1998 йили республикада 7-ўринни, 1999 йили 9-ўринни, 2000 йилда эса 10-ўринни эгаллаб, йилдан йилга пасаймоқда ва вилоятнинг умумий кўрсаткичига салбий таъсир этмоқда.

Навоий вилояти абитуриентларининг  
фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги  
(Рус гуруҳлари)

Фан номи	1999 йил		2000 йил	
	Самарадорлик	Урин	Самарадорлик	Урин
Рус тили ва адабиёти	41.9	10	39.98	8
Математика	35.73	11	36.59	10
Физика	27.14	11	29.23	9
Биология	40.03	12	36.78	13
Кимё	34.63	11	32.17	12
Тарих	35.01	12	33.29	11
Инглиз тили	48.76	6	46.46	7
Немис тили	29.6	10	29.83	9
Француз тили	29.78	10	25.56	11

Таълим рус тилида олиб бориладиган фанлар бўйича ўсиш рус тили, математика, физика, биология, тарих ва немис тилларида бўлган. Камайиш кимё, инглиз тили ва француз тилларида кузатилди. Демак, таълим рус тилида олиб борилаётган мактабларда ўтган йилларга нисбатан тайёргарлик натижалари пасайганлиги кўринади.

Навоий вилояти абитуриентларининг тестга киритилган фанлар бўйича юқори кўрсаткичга эришган ҳудудлари ўрганилди. Улар республиканинг илғор ҳудудлари кўрсаткичига таққосланди. Натижада шу нарса маълум бўлдики, вилоятнинг бу кўрсаткичлари республикадаги илғор ҳудудлар кўрсаткичидан анча паст экан. Кўрсаткичлардаги фарқ 5-9 фоизни ташкил этди. Ушбу келтирилган маълумот вилоят халқ таълими раҳбарияти томонидан чуқур таҳлил этилиши ва тегишли хулосалар чиқарилишини талаб этади.

2-жадвал  
Республика ва Навоий вилоятида энг юқори  
кўрсаткичга эга бўлган туман ва шаҳарлар  
(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Вилоят кўрсаткичлари			Республика кўрсаткичлари			
	Туман номи	Катнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Катнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Кизилтепа тумани	1063	30.19	Кашқадарё вилояти	Шахрисабз шаҳри	154	33.97
Математика	Кармана шаҳри	35	39.13	Бухоро вилояти	Галаасиё шаҳри	22	48.86
Физика	Кизилтепа тумани	231	31.61	Хоразм вилояти	Хазорасп тумани	70	40.20
Биология	Кизилтепа тумани	251	39.30	Самарқанд вилояти	Каттакўрғон шаҳри	19	48.54
Химия	Кизилтепа тумани	206	39.59	Самарқанд вилояти	Каттакўрғон шаҳри	21	48.15
Тарих	Навоий тумани	262	35.76	Сурхондарё вилояти	Денов шаҳри	20	43.19
География	Кизилтепа тумани	44	47.10	Бухоро вилояти	Жондор тумани	31	55.20
Инглиз тили	Навоий тумани	184	45.94	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	40	53.75
Немис тили	Хатирчи тумани	205	30.51	Жиззах вилояти	Фориш тумани	37	43.32
Француз тили	Кизилтепа тумани	45	37.72	Бухоро вилояти	Ромитан тумани	34	48.69

Вилоятнинг тестда паст натижага эришган ҳудудлари ўрганилди. Вилоятнинг Томди тумани математика фанидан, КониMex тумани биология фанидан республика бўйича энг паст натижага эришган. Лекин вилоятнинг бошқа паст кўрсаткичли туманлари республиканинг шундай ҳудудларидан 1 фоиздан 15 фоизгача юқори эканлиги маълум бўлди. Бу маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилган.

3-жадвал  
Республика ва Навоий вилоятида энг паст  
кўрсаткичга эга бўлган туман ва шаҳарлар  
(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Вилоят кўрсаткичлари			Республика кўрсаткичлари			
	Туман номи	Катнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Катнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Томди тумани	46	22.04	Самарқанд вилояти	Каттакўрғон шаҳри	22	21.21
Математика	Томди тумани	28	26.29	Навоий вилояти	Томди тумани	28	26.29
Физика	Кармана шаҳри	18	26.08	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	35	21.27
Биология	КониMex тумани	40	26.46	Навоий вилояти	КониMex тумани	40	26.46
Химия	КониMex тумани	44	28.79	Сирдарё вилояти	Оқолтин тумани	31	21.86
Тарих	КониMex тумани	43	30.94	Корақалпоғистон Респ	Тахياتош шаҳри	19	27.19
География	Навбахор тумани	45	44.07	Сурхондарё вилояти	Кизирик тумани	21	28.84
Инглиз тили	Навбахор тумани	106	29.77	Сирдарё вилояти	Ш.Рашидов тумани	37	22.82
Немис тили	Кизилтепа тумани	106	24.19	Жиззах вилояти	Дўстлик тумани	17	19.12
Француз тили	Навбахор тумани	89	27.65	Сирдарё вилояти	Мирзаобод тумани	21	20.77

Вилоятнинг 4387 нафар абитуриенти тестни муваффақиятли топшириб, 70 фоиздан юқори балл тўплаган. Шунингдек, вилоятнинг 10641 нафар абитуриенти тестда 43.24 фоиздан 56.67 фоизгача натижага эришган. Лекин 6107 нафар абитуриент тестда турли фанлардан 18.01 фоиздан 22.29 фоизгача самарадорликка эга бўлган. Демак, вилоятда абитуриентларнинг тестга тайёрлаш ишларини мукамаллаштириш зарур.

Куйида вилоятдаги олий ўқув юртли абитуриентларининг тест натижалари келтирилган.

Энг юқори ўтиш баллари Навоий Давлат педагогика институтининг қозоқ тили ва адабиёти бўлимида (151.9 балл), жисмоний тарбия бўлимида (140.9 балл), инглиз тили бўлимида (136.2) бўлганлиги аниқланди. Навоий Давлат қончилик институтига эса менежмент бўлимида (158.6 балл), ер усти транспорт бўлимида (125 балл) бўлганлиги кузатилди.

Паст ўтиш баллари Навоий Давлат педагогика институтининг бошланғич таълим бўлимида (80.6 балл), физика бўлимида (89.9 балл) бўлган бўлса, Навоий қончилик институтининг касбий тайёргарлик бўлимида (82.8 балл), кимёвий технология бўлимида (86.3 балл) бўлганлиги қайд этилди. Навоий Давлат қончилик институтининг Зарафшон умумтехника факультетида республика бўйича энг паст ўтиш баллари кузатилди.

Навоий Давлат қончилик институти Зарафшон умумтехника факультетида 2000 йилда ўрта мактабни тугатиб, ҳужжат топширган 161 нафар абитуриентдан 55 нафари (34 фоизи), Навоий Давлат қончилик институтида 955 абитуриентдан 203 нафари (21 фоизи), Навоий Давлат педагогика институтида 2343 абитуриентдан 452 нафари (19 фоизи) грант асосида ўқишга қабул қилинган. Албатта, бу жуда кам ва Навоий вилояти ўрта мактабларида олий ўқув юртлига тайёргарликнинг етарли даражада эмаслигини дарак беради.

Умумий балл (226.8 балл)нинг 30 фоизидан паст балл олган мактаб абитуриентлари сони 3246 нафарни ташкил этди. Бундан вилоятнинг 52.5 фоиздан ортиқ ўқувчиси олий касбий маълумот олишга тайёр бўлмаган ҳолда битирганлигини кўрсатади.

Шу жумладан, Навоий Давлат қончилик институтининг Зарафшон умумтехника факультетида ўқишни хоҳлаб ҳужжат топширган 271 нафар абитуриентдан 171 нафари (63 фоизи), Навоий Давлат қончилик институтида 1800 абитуриентдан 1149 нафари (63.8 фоизи), Навоий Давлат педагогика институтида 4103 абитуриентдан 1926 нафари (46.9 фоизи) 68 баллдан паст балл олган.

Айниқса, Навоий Давлат педагогика институтининг ўзбек филологиясида 689 абитуриентдан 295 нафари (42.8 фоизи), тарих бўлимида 604 абитуриентдан 313 нафари (51.8 фоизи), Навоий давлат қончилик институтининг кимёвий технология ва металлургия бўлимида 292 абитуриентдан 210 нафари (71.9 фоизи), менежмент бўлимида 176 абитуриентдан 115 нафари (65.0 фоизи), автоматлаштириш ва бошқарув бўлимида 167 абитуриентдан 102 нафари (61 фоизи), кон ишлари бўлимида 300 абитуриентдан 198 нафари (66 фоизи) умумий баллнинг 30 фоизидан паст баллни тўплаган, холос.

Шуниси ачинарлики, Навоий Давлат қончилик институти абитуриентларидан фақат бир нафари, Навоий давлат педагогика институти абитуриентларидан 3 нафари 90 фоиздан (204 балл) ортиқ балл тўплаган. Демак, ана шу 4 нафар ўқувчига ҳақиқий "аъло" баҳо қўйиш мумкин деган, хулоса чиқарди.

Республика ўқув юртлига Навоий вилояти бўйича энг кўп Навоий шаҳридан, Навоий, Навбахор туманларидан грант асосида ўқувчилар ўқишга кирган.

Битирувчи синф ўқувчилари сонига нисбатан грант асосида ўқишга кирганлар бўйича энг паст кўрсаткичга Хатирчи (3.2 фоиз), Кизилтепа (6.3 фоиз) тумани эришган.

Вилоятдан республика олий ўқув юртлига 2033 абитуриент грант ва шартнома асосида қабул қилинган бўлса, улардан 640 нафари шаҳарлик, 1393 нафари қишлоқ мактаблари ўқувчиларидир.

Куйидаги жадвалда вилоят бўйича тестда юқори кўрсаткичга эришган ўқувчилар ва улар ўқиган мактаблари кўрсатилган.

4-жадвал  
Навоий вилоятида энг юқори кўрсаткичга  
эга бўлган мактаблар  
(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб номери	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Хатирчи тумани	44	20	38.47
Математика	Навоий тумани	22	15	52.04
Физика	Навоий тумани	22	9	50.62
Биология	Хатирчи тумани	45	5	55.56
Химия	Навоий тумани	22	6	58.80
Тарих	Кизилтепа тумани	24	6	46.76
География	Кизилтепа тумани	15	4	63.89
Инглиз тили	Навоий шаҳри	15	5	58.89
Немис тили	Хатирчи тумани	44	11	44.95
Француз тили	Кизилтепа тумани	22	9	44.75

Вилоятда ўқувчилари тестда жуда паст натижага эришган мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактаблардаги таълим ва тарбиявий ишлар ўрганилиши ва тубдан яхшиланиши керак.

5-жадвал  
Навоий вилоятида энг паст кўрсаткичга  
эга бўлган мактаблар  
(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб номери	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	КониMex тумани	2	6	18.98
Математика	Навбахор тумани	16	4	16.67
Физика	Хатирчи тумани	45	4	14.58
Биология	Нурота тумани	13	4	16.67
Химия	Навоий шаҳри	15	4	18.75
Тарих	Навбахор тумани	13	4	18.06
География	Хатирчи тумани	34	6	25.93
Инглиз тили	Навоий шаҳри	19	4	17.36
Немис тили	Нурота тумани	29	4	15.28
Француз тили	Нурота тумани	13	7	17.06

Вилоят бўйича аттестатидаги ўртача баҳоси "4" дан юқори бўлган 256 абитуриент тест имтиҳонларида 150 баллдан юқори кўрсаткичга эришган. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлига грант асосида қабул қилинган. Куйидаги жадвалда уларнинг бир қисми ҳақиқати маълумотлар келтирилган.

6-жадвал  
Аттестат баҳоси ва тест бали орасидаги боғланишлар (ижобий ҳол)

Фан	Туман номи	Мактаб номери	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик	
1	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Навоий шаҳри	19-лицей	5.0	204.2
2	Ўзбекистон миллий университети	Навоий тумани	8	4.1	201.5
3	Бухоро тиббиёт институти	Кизилтепа тумани	12	5.0	194.6
4	Тошкент юридик институти	Навбахор тумани	9	4.9	189.9
5	Ўзбекистон миллий университети	Навоий тумани	6	4.8	182.9
6	Ўзбекистон миллий университети	Хатирчи тумани	11	5.0	181.8

Вилоятнинг Хатирчи, Навбахор туманлари, Навоий шаҳрининг битирувчи синф ўқувчилари тестда юқори кўрсаткичларга эришганлар. Жумладан, ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича Нурота туманидан тестда иштирок этган 1207 абитуриент 32.0 фоиз, Хатирчи туманидан 2415 абитуриент 35.1 фоиз, Навбахор туманидан 1535 абитуриент 31.4 фоиз самарадорликка эришиб, вилоят бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган. Бошқа фанлардан ҳам санаб ўтилган туман ва шаҳар абитуриентлари муваффақият билан иштирок этганлар.

Вилоятда аттестатидаги ўртача баҳоси "4" дан юқори бўлган 5073 абитуриент тестда 100 баллдан паст натижага эришган. Бундан кўриниб турибдики, бу абитуриентларнинг кўп қисми ўз мақсадига эриша олмаган.

Аттестат баҳоси ва тест бали орасидаги боғланишлар (салбий ҳол)

Т.р.	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб номери	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1	Навоий Давлат қончилик институти	Томди тумани	1	4.0	31.4
2	Навоий давлат педагогика институти	Хатирчи тумани	59	4.8	30.6
3	Навоий Давлат қончилик институти	Нурота тумани	9	4.0	30.6
4	Навоий Давлат қончилик институти	Навоий тумани	17	4.0	30.5
5	Навоий Давлат қончилик институти	Кизилтепа тумани	26	5.0	26.6

Республика олий ўқув юртлига ҳужжат топширган Томди, Учқудук, КониMex туманларининг абитуриентлари тестда паст натижага эришганлар. Бу туманларнинг абитуриентлари чет тили бўйича имтиҳон топширмаганлар.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, вилоят тестда маълум ютуққа эришганлигига қарамай, вилоятда ҳал этилмаган кўпгина муаммолар мавжуд. Вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ва бўлимлари вилоятда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг бажарилишини таъминлаш ва мактабларда ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўқувчиларни тестга тайёрлаш ишларини жонлантириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишлари лозим. Бу борада Давлат тест маркази билан яқиндан алоқада бўлиб, ўқувчиларнинг тестга тайёргарлик ишларини доимий назоратга олсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Давлат Тест Маркази директори  
Муҳсин МУҲИТДИНОВ



**“Сув! Сув! Сенинг на таъминг, на рангинг, на хидинг бор: сени таърифлаб бўлмайди. Сенинг нималигингни билмасдан туриб, сендан ҳаловат топадилар. Оддийгина таърифлаб, сен ҳаёт учун зарурсан деб бўлмайди, сен ўзинг ҳаётсан...”**

**Антуан де Сент Экзюпери**

Товшдан-тошга урилиб шарқираб оқаётган сувни кузатганмисиз? Ёки ариқчадан жилдираб оқаётган сувни-чи? Ҳар иккаласи ҳам кишига олам-олам завқ бағишлайди. Чарчокларни чиқариб руҳингни енгиллаштиради. Инсон учун сувдан азиз, сувдан тоза, мусаффо нарсанинг ўзи йўқ. Сув табиатнинг энг ноқир иншоидир. Сув фақат органик дунёнинг асоси, инсоннинг кундалик ҳаёт манбаи, минерал ҳомиш, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ажралмас қисмигина эмас, балки у маданият воситаси, ер юзидаги ҳаёт — тирикликнинг қонидир.

Дарҳақиқат, қаерда сув бўлса, ўша ер гуллаб-яшнайдми. Ватанини севган ҳар бир инсон уни ободонлаштириш учун биринчи ўринда сув билан таъминланишига эътибор беради. Бу нараса қадим аждодларимиз даврида ҳам энг савобли иш ҳисобланган. Севгилиснинг юртини обод кўришини истаган Фарҳодни олайлик, тоғу тошларни парчалаб, улар бағридан сув чиқариши сўзимнинг исботи эмасми? Ёки ота-боболаримизнинг қўл меҳнати билан ҳашар қилиб Фарғона каналини барпо этишгани-чи? Менимча, буларнинг ҳаммаси сўзимнинг исботи бўла олади. Донишмандлардан бири “Инсоннинг ўзи туриб турган сувли эритмадир” деганида ҳақ эди. Чунки инсон танасининг асоси сувдир. Унинг танадаги миқдори 10-20 фоизга камайса, инсон ўлимига сабаб бўлади. Шарқда ҳам қадимдан сув жуда муқаддас саналган. Бундан ташқари, у албатта илмий жиҳатдан ҳам ўрганилган. Бу борада буюк алломамиз Абу Али ибн Сино шундай дейдилар: “Тоза сув мазасиз ва ҳидсиз бўлади. Оқар сув энг тозадир, унинг тоза ердан оққани энг тоза бўлади. Баланглиқдан пахта шарқираб оқаётган сув бошқа сувларга нисбатан сифатли бўлади. Қуёш яхши ёритиб, шамол эсиб турган ва тоза ерда оққан сув истеъмол учун энг фойдалидир”.

Аллома Ибн Синонинг бу илмий қарашлари, сувдек муқаддас унсурнинг инсон учун нақадар зарур эканлиги, уни тозалаш ва тоза сақлаш ҳақидаги фикрлари экологик муаммолар кучайган бизнинг замонамизда ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолган. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида шундай деб ёзилган: “Лойқа сув — тоғ устида оқаётган сувдан тоза бўлади, чунки лойқа зарралари сувни турли зарарли аралашмалардан тозалайди. Агар қуёшга қараб оқаётган бўлса, бошқа сувларга нисбатан яхши. Шунингдек, ёмғир суви ҳам тоза бўлади. Қудуқ ва ер ости сувлари эса ер юзидаги оқар сувдан кўра ёмонроқдир”.

Ўтмиш аждодларимиз сувни жуда эъзозлашган. Улар оқар сувга супуринди, ахлат ташлаш, тупуришни катта гуноҳ санашган. Савдогарлар карвони чўлларда чанқаб қолмаслиги учун ҳар ер, ҳар ерда қудуқлар қаздирилган. Бу қудуқлардан тортиб олинган сув бутун карвон аҳлини ва туяларни сув билан таъминлаган.

Бувимнинг айтишларича, бир киши ҳаж зиёратини ихтиёр этибди ва Маккаю Мукаррама томон йўл олибди. Тоғу тошлардан ўтиб, чўлу биёбонда йўлини давом эттирибди. Иссиқ кўшнинг тафтидан чанқаб томоғи қуриб бошлабди, лаблари тарс-тарс ёрилибди. Шу аҳволда йўлда давом этар экан, кўзи кумлардан ҳосил бўлган чуқурликка ётган ит ва унинг болаларига тушибди. Ит ва унинг болалари сувсизликдан ўлар ҳолатга келган, оғизларини очиб тамшиниб, ғингшир, улар-

нинг овозидан ожиз ва чорасизлиги сезиларкан. Шунда ҳалиги киши теварак-атрофдан қудуқ излаб кетибди. Ниҳоят, топибди ҳам. Аммо қудуқдан қандай идишда сув олишни ўйлаб қолибди, чунки қўлида ҳеч қандай идиш йўқ экан-да. Хаёлига бир фикр келибди. Ковуши билан сув олмоқчи бўлибди, лекин ковуши сувни ифлос қилишни ўйлаб иккиланибди. Бошқа илож тополмагач, Оллоҳга кўнглида тавба қила-қила, қийимларини йиртиб арқон тайёрлабди ва арқоннинг учига ковушни боғлаб сувга туширибди. Ковуши сувга тўлиб чиқибди. Ҳалиги мусофир сувни олиб ит ва унинг болаларига бериш учун улар олдига югурибди, сувни ичириб, уларни ўлимдан сақлаб қолибди. Шу пайт унга шу ернинг ўзидаёқ ҳожи бўлганлиги ҳақида Оллоҳдан вахий келибди.

Қиссадан ҳисса шуки, онамомоларимиз сувни эъзозлаш билан бирга, сувсиз қолган жониворларга ҳам имкон қадар

ли хил корхона, сув иншоотлари қурилди. Мўл ҳосил олиш ниятида режа кетидан қувган хўжалик раҳбарлари меъеридан орттиқ кимёвий ўғит ва дори солиш оқибатида ер захарланиб, катта-катта экин майдонлари ишдан чиқди, дарёлар шўрланиб, чучук сув, ҳаво захарланди ва бу салбий жараёнлар ҳаммаси бирга қўшилиб, инсон саломатлигига ниҳоят даражада зарар етказиб келмоқда.

Оролнинг аҳволи-ку, ҳаммага маълум. У ҳозир соҳилдан 100 километр узоклашиб, сатҳи 12 метр пасайиб кетган. Орол бўйи туманларидаги аҳоли пунктларида яшовчи кишилар чучук сув танқислигидан, кўп касалликлар (сарик касаллиги, аёлларда камқонлик, қанд касаллиги, буқоқ ва бошқа касалликлар) авж олганидан, корхоналар беркитилиши, экинзорларнинг қуриши сабабли иш йўқлигидан қиндик қони тўкилган масканларини ташлаб кетишмоқда. Экология бузилмоқда.

Шаҳар ичидан, маҳаллардан оқиб ўтайдиган ариқ сувларига қараб бўлмайди. Қишлоқларга зев бериб оқиб ўтайдиган катта-катта ариқлар ўрнида, бир хўжаликни таъминлайдиган ариқчаларда ойда, йилда бир марта сув келади, холос. Аҳоли сувдан қийналмоқда. Сув танқислиги юзага келди. Кишилар ҳар хил супуринди, ахлатларни ариқларга, катта-катта каналларга ва дарёларга ташлашмоқда. Ҳаётдан оддийгина бир мисол олайлик. Ҳовлимиздаги сув

лат, супуринди ташлашни гуноҳ санаганлар”, дедилар.

Демоқчиманки, сув танқис бўлган бу даврда ариқларни ифлос қилиш, сувни исроф қилиш яхшиликка олиб келмайди, албатта.

Катта-катта шаҳарлардаги сув келадиган қувурлардан оқаётган сувлар ортигидан кўпроқ сарф бўлмоқда. Бир неча корхоналар ва заводлардан чиқётган тутунлар ҳавони ифлослаб, табиатга зарар етказмоқда. Ҳар кунни катталар ишга, бизлар ўқишга борамиз. Кўчаларда сув жўмрақларидан оқиб турган сувлар олдидан ўтамиз, чанқанган вақтда сувни ичиб, ундан баҳра оламизу лекин сув қаердан келаяпти ва қаерга оқиб кетаётгани бизни қизиқтирмайди.

Нега?

Нима учун?

Ахир сув бор ерда ҳаёт бор-ку! Сув—зар. Сув ёруғликдир. Биз ахир мана шу оби ҳаёт билан яшамокдамизку! Нега бунча бефаҳм, нега бунча эътиборсизмиз? Бундай бўлишимизга нима сабаб бўлмоқда? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдикми?..

Менинг мақсадим шуки, келажак биз ёшларники. Келинг, тенгдошларим, бир тану бир жон бўлиб, табиатимизни янада яшнатайлик, сувларни ифлослантirmай биздан кейинги келажак авлодларга Она-Ватанимизнинг гўзал табиатини мусаффо қолдирайлик.

Бир неча йилдан буён Тожикистон Республикасининг Мир-

## insho

нида баъзан хатоликлар ҳам учраб турган. 1864 йилда Шахрихонсой чап соҳили бўйлаб баланд ёнбағирликдан канал қазिशга аҳоли сафарбар этилади. Кеч кузда бошланган қазिश ишлари чоғида лойгарчилик оқибатида тик адир ўпирилиб, 188 киши тупроқ остида қолиб кетади. Натижада Худоёрхон канал қазини тўхтатишга мажбур бўлади. Тарихдан қолган турли воқеаларни бундоқ ўйлаб қарасак, ўтмиш кишиларнинг сувга бўлган муносабатлари, муҳаббатлари ва сувни эъзозлашлари бизни, айниқса, мени ҳайратда қолдиради. Сувнинг тирик мавжудот, хусусан, инсон ҳаётининг манбаи эканлиги, сувни ифлос ва исроф қилмаслик ҳар бир кишининг азалдан инсоний бурчи бўлганлиги сабаб, ҳар бир киши ўз фаолиятида бу қоидага амал қилиши менимча, шартдир. Биз табиатни, табиатдаги барча-барча нарсаларни асраб-авайласакки, яшашга ўргана оламиз.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда Орол муаммоси дунё миқёсида катта муаммага айланган. Бу муаммоларнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлди? Нега шуни аввалроқ ўйламадик? Бундан 25-30 йиллар олдин Оролда бўлган киши унинг гўзаллиги, ноёб ҳайвонлари ва ноёб ўсимликларидан ҳаяжонга тушарди. Ҳозирги кунда Орол аҳволи, қуруқликда қолган кемалар, туз қопламлари Орол аҳолисига катта зарар етказмоқда. Бундан авваллари Амударё ва Сирдарё сувлари Оролга тўлиб-тошиб қуйиларди. 1980 йилларда қуруқ ерларни, чўлларни ўзлаштириш учун бу икки дарё сувларидан режасиз фойдаланилди. Оролга сув келмай қолди ва жазирама қуёш тафтидан Орол суви буғлана бошлади. Бу ҳодиса Орол табиатининг тубдан ўзгариб кетишига сабаб бўлди. Натижада Орол атрофидаги аҳолига ва ҳайвонларга, ноёб ўсимликларга зарар етди. Шу кунларда Оролни бориб кўрган одам ҳайратдан ёқа ушлайди. Туз миқдори 2-3 фоизга ортди, сув тўқ яшил рангга кирди, балиқ тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш натижасида Орол бўйида, шу жумладан Қорақалпоғистонда болалар ўлими кўпайиб кетди, қизил ўнғач раки, жигар билан ошқозон-ичак касали авжга чиқмоқда. Шундай бўлишига қарамай Хоразм ва Қорақалпоғистон халқи ҳамон ҳаддан ташқари ифлосланган Амударё сувини истеъмол қилмоқда. Қачонгача шу аҳвол давом этиши мумкин? Она-Еримиз — жонли жисмдир. Буни асло эсдан чиқармаслик керак. Уни жонсизлантирсак, яна тирилтириш мушкул бўлади.

Нима иш қилиб қўйганлигини энди англаш қийин эмас. Энди бўёғига оқилонга иш кўрмоқ даркор. Биринчи навбатда Амударё ва Сирдарё сувларини ичишга яроқли қилиш даркор. Бу дарёларнинг ўзани Оролгача етиб бориб, унинг атрофидаги халқни чучук сув билан таъминлаши, керак. Ана ўшанда шароит яхшиланади, халқнинг яшаши учун имкониёт ҳам туғилади.

Мен ўз ижодий фикрларимни хулосалар эканман, фақат бу фикрларим қоғозда эмас, балки амалда бўлишини хоҳлардим. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Она-Ватанимизнинг гўзал табиати бетакрор ва кўркем бўлиши мен учун шараф. Оллоҳ инъом этган бу табиатнинг улкан ва ажиб неъматларини асраб-авайлаш ҳаммамнинг азалий бурчи бўлганлиқ, менинг ҳам муқаддас вазифамдир.

Жаннатмақон Ўзбекистонининг табиати гўзал ва бетакрор эканлигидан фахрланаман. Ўзбекистон жаҳонда тенги йўқ она-диёрим менинг!

**Сарвиноз ҒОҒУРОВА,**  
**Шахрисабз туманидаги 102-ўрта мактаб ўқувчиси,**  
**“Мен—Онам—Момом — сувнинг аҳамияти ҳақида” иншола танловининг 2-ўрин соҳибаси**

## А БИР ТОМЧИ СУВ ҚАЕРДИ



ёрдам берганлар.

Онамнинг айтишларича, бувим ҳовлининг ҳар ер, ҳар ерида турли идишларда сув тўлдириб қўяр эканлар. Бу идишдаги сувлардан паррандалар, қушлар чанқоғини қондирар экан. Ўтмиш аждодларимизнинг бу қилган ишлари биз учун ибратдир.

Ер юзининг 3/2 қисмини сув ташкил этади. Сайёрамизда сув сероб бўлса-да, чучук сув етишмайди. Инсониятнинг 4/1 қисми чучук сув танқислигидан қийналмоқда. Собик Иттифок даврида чучук сув қанча кўп бўлмасин, пала-партиш ишлатилганлиги, ҳаддан ташқари исрофгарчиликка йўл қўйилганлиги фожеали оқибатга олиб келди. Сув ҳавзаларидаги сувнинг ўз миқдоридан камайиб кетиши ҳам тириклик учун жуда катта бахтсизликдир. Бунга Орол фожеасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бир замонлар қирғоқлар тўлиб оқадиган зилол Сирдарё билан Амударё бугунги кунда ниҳоятда ифлосланиб кетган.

Табиатнинг оромбахш гўшаларида баъзан юз йиллик дов-дарахтларни қиркиб, булоқ ва чашмаларни йўқ қилиб, ҳатто одамлар неча асрлардан бери яшаб келган қишлоқларни, ҳосилдор далаларни бузиб, тур-

жўмрақларидан тўлиб сув оқиб турганда, унинг қаери қаерда эканлигини билмаймиз, ҳатто ўйламаймиз ҳам. Лекин ана шу сув жўмрақлари қуриб қолганда унинг бир томчисини ҳам қизғанамиз. Ана ўшандагина сувнинг қаери етамиз. Қачонгача бу ҳолатлар давом этади? Ахир сувнинг қаери йўқолмоқда-ку? Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушади.

Ёз кунлари эди. Одатдагидек, уйимиз ҳовлисини супура туриб, қўшнимизнинг ҳовлисига яқинда тушиб келган келинчакнинг кўча ҳовлисини супураётганига кўзим тушди. Ҳавас қилса арзигудек келинчак эди. Мен ҳам кўчининг ҳовлисини супуришда давом этдим. Шу пайт бувим дарвоза яқинига келиб, ҳалиги келинчак томонга қараб: “Ҳой болам-эй”, дедилару ичкарига кириб кетдилар. Негадир бувимнинг овозидан ачиниш оханги сезилди. Ишларни тамомлаб, бувимнинг олдидан кирдим ва бувимдан ҳалиги бўлган воқеанинг сабабини сўрадим. Бувим шундай дедилар: “Болам, ҳалиги келинчакни кўрдингми, ҳовлини супурди, лекин супуридини ариқ ичига ташлади. Ахир биз бир вақтлар шу ариқдан сув ичар эдик-ку?”

Бизнинг замонларда сув жуда ҳам эъзозланарди. Оналаримиз, бувиларимиз ариқлар ичига ах-

зо Турсунзода шахридаги алюминий заводидан чиқётган зарарли моддалар ҳавога тарқалиб, қўшни туманларга ҳам етиб келди ва шу туманларнинг ўсимликлари, дов-дарахтлари қуриб кетди, кўпгина касалликлар тарқалиб, инсонлар ҳаётига зарар етди.

Ўтган йили диёримизнинг бир неча жойларида тарихда анчадан буён кузатилмаган қурғоқчилик юзага келди. Қишда ва баҳорда ёғингарчиликнинг кам бўлиши кузатилди. Табиатнинг бундай ўзгариши чорвадорларга, пахтакорларга, ғаллакорларга ва деҳқонларга бирмунча қийинчилик туғдирди. Фасллардаги бу ўзгариш сув танқислигига олиб келди ва воҳамизнинг қўл қисмларида чорва моллари учун ем-хашак етиштириш режадагидек бажарилмади. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари — ғалла, пахта ва деҳқончиликда ҳам сув танқислиги ўз таъсирини ўтказганлиги кузатилмоқда.

**“Эл ҳаёти ер билан, Ер ҳаёти сув билан”, “Сувсиз ер-жонсиз жасад”,** деб боболаримиз рост айтган эканлар. Юқорида айтганимдек, ер сув билан яшаса, эл эса ер билан яшайди. Ер бўлмаса табиат, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсонлар яшай олмайди. XIX асрда сув чиқариш жараё-



Ўқитувчи савиясиз бўлса, энг мукамал дарсликлар ҳам бенафдир. Савияси баланд ўқитувчи—юрт маорифининг бахти.

Муножотхоннинг шеърларини ўқиб, унинг доно ва ҳиссиётчанлигидан беҳад қувониб кетдим. Набираларим мана шундай қалби гўзал, фикри теран ўқитувчининг қўлида ўқишни жуда-жуда истар эдим.

Муножотхонга ижодий парвоз тилаб қоламан.

Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

## БОЛАЛИГИМ

Оқ-ойдин кечалардан,  
Чанг, тупроқ кўчалардан,  
Сўроқлаб нечалардан,  
Болалигим, изларман Сени.

Жамалаксоч қизмисан,  
Гард қўнмаган измисан,  
Қўл етмас юлдузмисан,  
Болалигим, изларман Сени.

Оналигим-тахтимдан,  
Фарзандлигим—бахтимдан,  
Ҳар ишим, ҳар аҳдимдин  
Болалигим, изларман Сени.

Тарих бўлиб қолсанг ҳам,  
Ўтмишдан жой олсанг ҳам,  
Соғинчлардан толсам ҳам,  
Болалигим, изларман Сени.

Фарзандларим-дилбандимга  
Эртас қилиб, сўзлайман Сени.

\*\*\*\*\*

## ХУШ КЎРМАЙМАН

Кўриб туриб кирдикорларни,  
Сўқир мисол кетгани учун.  
Андиша деб ўйлаб орларни  
Қорачиққа ютгани учун  
Хуш кўрмайман кўзимни гоҳо.

Кўрими йўқ, нурсиз ранг каби  
Фурбатларга сингганим учун.  
Заҳдан чиққан заҳил занг каби  
Ғийбатларга инганим учун  
Хуш кўрмайман ўзимни гоҳо.

Ҳеч бир маъно этолмаса касб,  
Сололмаса юракка ғулув.  
Ёзсам ҳамки уни ҳижжалаб,  
Бўлса ҳамки бетакрор, сулув,  
Хуш кўрмайман сўзимни гоҳо.  
Хуш кўрмайман!

Каромат ОСТОНОВА,  
Қизилтепа туманидаги "Ширин" болалар  
боғчаси тарбиячиси

## КЕТМОН

Ер чопади хансираб кетмон,  
Бўғзигача ботиб боради.  
Иш бажарар ҳар куни ботмон,  
Лойхонада лойни қоради.

Бажаради барча юмушни,  
Меҳнатидан турмуш бўлар зўр.  
Майли қилсин керакли ишни,  
Фақат бевақт қазимасин гўр.

Турсун РАШИД,  
Зомин туманидаги  
56-мактаб раҳбари



## Ко'ngil bitiklari

### ПОЙИНГИЗНИ ЎПСИН...

Онам, бағри офтоб, оташим менинг,  
Опа, сиз-да лобар, дилкашим менинг,  
Синглим, жажжигина сирдошим менинг,  
Бу кун Сизга энг хуш тилаклар,  
Пойингизни ўпсин, жаннат кераклар.

Мунисам, ўпайин оппоқ сочингиз,  
Асло ғам кўрмасин, азиз бошингиз,  
Сингилжон, ўсмалар ичсин қошингиз,  
Сиз деса, ҳайқириб кетсин юраклар,  
Пойингизни ўпсин, жаннат кераклар.

Тангрим, оналарни асрагил, бор қил,  
Опа-сингилларга бахтни бисёр қил,  
Аёллар қалбига покликни ёр қил,  
Уйларим тўлдириб юрсин гўдаклар,  
Пойингизни ўпсин, жаннат кераклар.



## ТАБИАТ ГҲЁ РАССОМ

Табиат гўё рассом.  
Сўзлайди бўёқларда.  
Ҳаётдан олиб илҳом,  
Нур чизар қирғоқларда...

Дарёлар, ариқчалар  
Бол каби оқар экан,  
Боғларга бериб сайқал,  
Кўк рангда ёнар экан.

Заррин тўн кияр тоғлар,  
Чўққилар гўё новот,  
Оқ чойшаб ёпинганча  
Дунёни айлар обод.

Муҳаммаджон ТҲАТАБОЕВ,  
Бекобод шаҳридаги  
11-мактаб ўқитувчиси

\*\*\*

Қанийди...

Шодликдан кўрпача тиксам  
Ва унга яширсам оламни.  
Қайғу-ғам зир излаб, топмаса,  
Сўнг мангу тинч қўйса одамни.

\*\*\*

Олам чаппасига айланди гўё,  
Осмон қулаб тушди бошимга менинг.  
Оллоҳим, тоғимдан айладинг жудо,  
Дунё оқиб кетди ёшимга менинг.

Муножот КАРИМЖОН қизи,  
Фаргона вилояти Олтиариқ туманидаги  
20-мактаб ўқитувчиси



## КЎЗЛАРИМДА МУҲАББАТ ЙИҒЛАР

Узоқдасан, соғиниб баъзан  
Кўкда сузган ойга қарайман.  
Шабнамларга ювиб сочимни,  
Майда-майда қилиб тарайман.

Овозингни соғиниб баъзан  
Сен томонга юрак талпинар.  
Оҳ, бунчалар узоқлардасан,  
Кўзларимда муҳаббат йиғлар...

Гуллола ШУКУРОВА,  
Оқдарё туманидаги 1-мактаб  
ўқитувчиси

## ҚОЛУР

Фурсат ғаниматдир, шитобинг қолур,  
Бу йўлда адашма, жавобинг қолур.

Кўнгил кулбасида парвона бўлиб,  
Мисқоллаб йиққанинг савобинг қолур.

Истиғфоринг қўйма, гуноҳларинг юв,  
Сажда қилиб қурган меҳробинг қолур.

Белибос келгансан ёруғ оламга,  
Буюк кўзагарга туробинг қолур.

Сарлавҳа излагил ўтган умрингга,  
Ёзғил, эзгу лавҳалар, китобинг қолур.

Баҳодиржон ҚИРОНОВ,  
нафақадаги муаллим  
Ўзбекистон тумани

## ТУРНАЛАР

Осмондан эшитдим турна овозин,  
Баҳор чалиб келар қўлида созин,  
Гўзал ёр айтарди энди дил розин,  
Оҳ! Турналар сиз, ўшал турналар,  
Энди қизлар қўяр кўзга сурмалар.

Овозингиз баҳоримдан нишона,  
Ишқ ўтида мен-да бойлаб пешона,  
Ният бирла қурмоқ бордур кошона,  
Оҳ! Турналар сиз, ўшал турналар,  
Энди қизлар қўяр кўзга сурмалар.

Баҳорим!? Очилсин энди гулларим,  
Сенинг бирла яйрайверсин дилларим,  
Муҳаббатдан куйласин булбулларим,  
Оҳ! Турналар сиз, ўшал турналар,  
Ишқ ўтида қизлар қўяр сурмалар.

Осмондан эшитдим турна овозин,  
Баҳор чалиб келар қўлида созин,  
Раҳимийга шул ёр айтар дил розин,  
Оҳ! Турналар сиз, ўшал турналар,  
Энди қизлар қўяр кўзга сурмалар.

Раҳимберган ШАРИПОВ,  
Акмал Икромов туманидаги  
295-мактаб ўқитувчиси

## ТАРОЗИ

Биродарлар тингланг бирпас  
Тарозининг сўзини.  
У доимо билиб қилар  
Ўз ишининг кўзини.

"Менинг икки елкам бирла  
Иккита тенг паллам бор.  
Жуда ўтқир баҳоловчи  
Жуда ўтқир каллам бор.

Бир палламда тош кўтарсам,  
Бир палламда юк бўлар.  
Менга иши тушганларнинг  
Шундан кўнгли тўқ бўлар."

Сотувчи ҳам, харидор ҳам  
Бўлмасин деб норози,  
Ҳақ йўлида тиним билмай  
Хизмат қилар тарози.

Тўракул БЎСТОНОВ,  
Ғиждувон туманидаги 9-мактаб  
физика фани ўқитувчиси

Омонулла Файзулаевни теран фалсафий тафаккур соҳиби, маърифатнинг фидокори, зукко, ҳалол ва пок, ниҳоятда болажон инсон сифатида биламиз.

Аслида, олимпикка даъвогар инсонларда юқорида баён этилган қатор фазилатлар мужасам бўлмоғи даркор. Аммо минг афсуски, ҳаётда биз бундай инсон-

300 дан зиёд илмий-маърифий мақолалар яратишга муваффақ бўлди. У кишининг илмий фаолиятида фалсафанинг энг мураккаб йўналиши — табиатшунослик ва техника фалсафаси борасидаги илмий-тадқиқот ишлари мамлакатимиз фалсафий илмий салоҳиятини қарор топтиришда муҳим роль ўйнади. У кишининг бевосита илмий раҳбарлиги ва йўл-йўриқлари асосида 11 киши

### Fanimiz fidoyilari

да “Ўрта Осиё мумтоз фани ва ҳозирги замон цивилизацияси” номли йирик асар яратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яқинда Америка Қўшма Штатлари Биографик институтидан Омонулла Файзулаев “2000 йилнинг машҳур кишиси” деб тан олинганлиги ҳақида хушxabар келди. Сўзимиз якунида Ўзбеки-

## Фалсафа фаннинг фидойиси

ларни жуда кам учратамиз.

Бу кишининг босиб ўтган ҳаёт йўли мураккаб, серқирра илмий-педагогик фаолиятга эга. Омонулла ака ўз меҳнат фаолиятини 1945 йили Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги 16-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган ва қатор нуфузли даргоҳларда ишлаган.

Шу вақтга қадар олим 42 та китоб ва рисоалар,

фан докторлигини ва 42 киши фан номзодлигини ёқлади.

У кишининг кўп ноёб асарлар, айниқса ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ҳамда Ўзбекистон фанлар академиясининг академиклари Қори Ниёзий, Муҳаммадjon Ўрозбоев ва Иброҳим Мўминовларнинг асарларини чоп этиш ва чет элларда тарғиб қилишда хизматлари катта. У киши ва юртимизда кибернетика фанининг отахони академик Восил Қобулов раҳнамолиги-

стон Фалсафа жамияти раёсатининг фаол аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Омонулла Файзуллаевнинг илмий фаолиятига янада кенг кўлам тилаб қоламиз.

Саид ШЕРМУХАМЕДОВ

## Ўқитувчи иш тажрибаси оммалаштирилади

Ўз касбини севиб ижодий изланаётган, биология фанидан ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги билимларни ўқувчилар онгига етказишга ҳаракат қилаётган илғор педагог Ирода Муталхўжаева, 15 йилдирки Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 173-мактабда ишлаб келаётган. Жамоадагилар унинг дарс ўтиш услубига қойил қолишади. Гап шундаки, муаллим янги педагогик технология асосида ўқувчиларга дарс берар экан, у суҳбат, савол-жавоб, семинар, конференция, викторина, аукцион, маъруза каби дарс бериш усуллари билан кенг фойдаланади. Муҳими, у ҳар бир дарс жараёнида ўқувчиларни кўпроқ мустақил ишлатишга ва фикрлаш қобилиятини оширишга эътибор беради.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида эртақ ва топишмоқлар тузиб, топишмоқли дарслар ўтади. Масалан: Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда сабзи деган ўсимлик яшаган экан. У чўл ўсимлиги бўлиб, мевалари поясида тўп-тўп бўлиб жойлашган экан, меваси

қизил, сариқ рангда бўлиб, мазаси нордон экан, деб тарифлайди. Ўқувчилар бирин-кетин эртақ хатоларини топиб тўрилашга ҳаракат қиладилар. Бундай топишмоқ ва эртақли дарслар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумот тўплашга ундайди. Шуниси диққатга сазоворки ўқувчилар ўйда ўтилган мавзулар юзасидан мустақил дарсга тайёрланиб келиш қаторида келганда ўзлари ҳам топишмоқ ва эртақлар тузиб келадилар.

Ўқитувчи дарсдан ташқари вақтларда ўқувчилар билан “Гуллар мўъжизаси” тўрагини олиб боради. Тўрака аъзолари экзбана гулларини ясаб, биология кабинетига, дахлизларга қўядилар, йиғилиш ўтказиладиган кунлари мактаб залини безайдилар. Ўқувчилар бу гўзал гулларни парвартириш билан бирга уларнинг табиатга ва ўсимликларга бўлган муҳаббатлари ошмоқда. Бир неча йилдирки, ўқитувчи ташаббуси билан мактабда “Табиат — чекмасин азият” рўкни остида “Экология ва биз” деган газета чиқа-

риб келинмоқда. Газета ҳар ойда бир марта чиқарилиб, унинг саҳифасида ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида қизиқарли маълумотлар, расмлар ҳамда мактабда ўтказиладиган турли тадбирлар ва эълонлар бериб борилади.

Ирода Муталхўжаеванинг ўқувчиларга янги усулларда дарс бериши ҳамда мактабдан ташқари олиб борадиган юмушлари ўқувчилар билим самарадорлигини ошираётган. Масалан 1999-2000 ўқув йили якунида таълим самарадорлиги 7-“А” синфда 88%, 7-“Б” синфда 93%, 8-“А” синфда 93%, 10-“А” 91%, синфлар бўйича ўртача кўрсаткич 70-80 фоизни ташкил этди. Шу боисдан ҳам айни кунда Республика ўқитувчилар малякасини ошириш институти тингловчилари мактабга келиб, Ирода Муталхўжаева дарсларини кузатиб кетишпти.

Хуллас, бу фидойи ўқитувчининг иш тажрибаси Республика Таълим маркази илмий кенгашида ҳам кўриб чиқилиб, республика бўйича оммалаштиришга қарор қилинди.

Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,  
Республика Таълим марказининг бош методисти

“Гулхан” журналининг 1966 йилги сонларидан бирида “Дастлабки нишонлар” деган икки саҳифалик мақола эълон қилинган бўлиб, бу Ангрэн шаҳридаги 11-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Маманазар Бобоев фаолияти билан боғлиқ эди. Бу мақолани кимдир ўқиган, кимдир ўқимаган. Аммо Ангрэн шаҳрида янги очилган Тошкент вилоят Давлат педагогика институти раҳбарияти бу билимдон ўқитувчини кўз остига олиб қўйган эди. Кўп

ҳақидаги чақириққа жавобан 1952 йили оиласи билан Жанубий Қозоғистон вилоятининг Еттисой туманига кўчиб боради. М.Бобоев 1959 йили шу ерда ўрта мактабни тугатиб, отасининг ёнида ишлаб бошлайди. Пухта тайёргарлик кўргач, 1960 йили Самарқанд Давлат дорилфунунининг филология факультетига ўқишга киради. 1965 йили университетни муваффақиятли тугатгач, ўша давр таомилига кўра Давлат тақсирот ҳайъати томонидан икки йил муддатга Тош-

“Ҳаёт, тарих, эпос” монографияси эълон қилинди. У кишининг бундан ташқари ўттизга яқин илмий ва илмий-улубий мақолалари турли нашрларда ва вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган.

М.Бобоевнинг кўп йиллик фидойи меҳнатлари муносиб тақдирланган. Ҳозир у киши бошқариб келаётган “Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубиёти” кафедраси институт бўйича илмий кадрлар салоҳияти, ўқув-услубий ва маънавий-маъри-

## ЎТТИЗ ЙИЛ БИР ДАРГОҲДА

ўтмай у институтнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига соатбой ўқитувчиликка ишга таклиф этилди.

Маманазар Бобоев “Гулхан” саҳифаларидаги очерк қаҳрамони бўлган илк педагогик йилларидан буён ўтган даврни қониқиб билан эслайди, хотираларидан тугилиб ўсган Фориш туманининг Сентоб қишлоғи ва уруш тўғрисидаги чеккан уқубатлари бирма-бир ўта бошлайди. У киши бошланғич маълумотни Қўшработ туманининг Қўлтўсин қишлоғидаги мактабда оладилар. Ҳозир 86 ёшга тўлган оталари Бобобадал Қурбонов кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш

кент вилоятининг Ангрэн шаҳрига она тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида жўнатилдилар...

Домланинг ТВДПИда ўтган ўттиз йиллик фаолиятларида “Чет эл адабиёти тарихи”, “Ўзбек адабиёти тарихи” ва “Ўзбек халқ оғзаки поэтика ижоди” фанларидан ўқиган маърузалари мазмунлилиги билан талабалар хотирасида қолган. “Достон ва ҳаёт” деб аталган икки ярим босма тобоқ ҳажмдаги дастлабки рисоалари 1982 йили “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган. 1992 йилда эса “Фан” нашриёти томонидан рус тилида беш ярим босма тобоқ ҳажмда

фий ишлар бўйича пешқадам жамоа саналади. Мазкур кафедрада Б.Саримсоқов, Ҳ.Қудратуллоев каби фан докторлари, тўрт нафар доцент ва фан номзодлари меҳнат қилмоқдалар. Устоз М.Бобоев қўлида таълим олган шогирдлардан икки нафари фан доктори, олти нафари фан номзодларидир.

Зеро, замондошлари орасида иззат-икром топан бундай олимлар меҳнати ҳамиша ўзининг самарасини бераверади.

Исомиддин ЁРМАТОВ,  
Тошкент вилоят Давлат педагогика институти филология факультети декани,  
Қурбон ТОЖИБОЕВ,  
шу институт катта ўқитувчиси



## МАКТАБДАН БОШЛАНГАН ФАОЛЛИК

Ҳар ким ҳам эртасини ўйлайди, кутаётган натижага эришишни орзу қилади. Лекин ҳаёт шундайки, фақат орзу қилиш билан иш битмайди. Бунинг учун ҳаракат қилиш, интилиш лозим. Бахшулло Шарипов ҳаётнинг бу қонуниятларини англаб етган ҳолда мактабни тугатгач, Бухоро қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Ўқишни тугатиб, Бухоро туманидаги 37-ўрта мактабда меҳнат фаолиятини бошлади. Ишлаш жараёнида у маълумотини бундан-да кенгайтиришни ният қилди ва Бухоро Давлат педагогика институтининг математика факультетини ўқиб тугатди. Б.Шарипов кўп йиллик меҳнат фаолияти жараёнида 14 йил илмий бўлим мудирлиги вазифасида хизмат қилди ва математика соҳасида эллика яқин шогирдлар тайёрлади. Бир шогирди ҳозирги вақтда Францияда иқтисод соҳасида илмий иш ёқлаётганидан Б.Шарипов ҳақли равишда фахрланади.

У кишининг бир ўғил, икки қиз ва икки келини ҳам ота касбини туганлар.

“Мактаб + оила + маҳалла” ҳамкорлигининг самарали натижаларга олиб келишини билган Бухоро тумани Работи қалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги “Арабхона” маҳалласи аҳли 1997 йили нафақага чиққан Б.Шариповни маҳалла оқсоқоли қилиб сайладилар. Мактабда ҳам, оилада ҳам, маҳаллада ҳам эътиборли бўлган бу инсон маҳалла аҳли ишончини оқлаш йўлида хизмат қилиб келаётган.

— Маҳалламизда 862 та хонадон бўлиб, унда 4030 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Шунингдек, уч қишлоқ, иккита мактаб, иккита тиббий хизмат кўрсатиш маскани ва турли кичик маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд, — дейди Б.Шарипов. — Буларнинг барчасида иш жараёни тўғри ташкил қилинган ва тўлиғича эл хизматида. Ватан остонадан бошланади, деганларидек, маҳалламиз фарзандлари ҳам мамлакатимиз тараққиётига озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшаётганларидан биз хурсандмиз.

Мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги, Ватан ободлиги маҳалла аҳли-лигидан бошланишини “Арабхона” маҳалласи қиёфасидан англадик ҳамда келажаги бундан-да нурли бўлишини ниятладик.

Ш.НИШОНОВ



лар эди.

Бугунги кунда эса тарих саҳифаларига холисона ёндашилиб, синчиклаб ўрганилмоқда. Ва бундай руҳдаги дарсликлар ёш авлодни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялашда муҳим воситадир.

Умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун


## ЖАҲОН ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР

Тарихни ўрганмай туриб, келажакни кўриш ва яратиш мумкин бўлмаган ҳол. Муस्ताқиллик тарихга бошқача ўлчов ва талабни қўйди. Чунки умумтаълим мактаблари учун жорий қилинган аввалги дарсликларда халқимизнинг ўтмишига нисбатан нотўғри талқинлар бери-

мўлжалланган "Жаҳон тарихидан ҳикоялар" дарслиги "Ўқитувчи" ҳамда Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётлари ҳамкорлиқда чиқарган маҳсулотдир. Аввало, лотин имлосидаги дарслик муқовасининг сифатли ишланганлигидан дилингиз равшан тортади.

Дарслик дунё халқларининг энг қадимги давридан бугунги кунгача бўлган тарихни қамраб олган. Мавзулар қисқа, аммо маълумотга бой. Одамзотнинг яшаш учун курашдаги меҳнат қуролларию, ўзини ҳимоялаш воситалари, дастлабки давлатлар, муҳим тарихий воқеалар, илмфан ва маданият тараққиёти, хуллас, дарслиқда ўқувчилар қизиқиш билан ўрганадиган мавзулар ихчам тарзда ҳикоя қилинган. Албатта, унда мустақил Ўзбекистон давлати ҳақидаги мўъжазгина ҳикоялар, суратлар ҳам ўрин олган.

Муаллифлар У.Жўраев, М.Лафасов, К.Норматовлар ушбу дарсликни тузишда кўпчилик эътироф этадиган муваффақиятга эришганлар.



Она тили ва адабиёт ўқитишда янги педагогик технологиянинг асосий мақсади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига эришиш ва билимини баҳолашда рейтинг меъёрларини қўллашдан иборатдир.

Доимий ҳамроҳингиз "Тил ва адабиёт таълими" журналининг "Муаммолар... Вазифалар... Ечимлар" рукнида берилган "Янги педагогик технология муаммолари" мақоласини ўқиб, ўқитувчининг ўрнини компьютерлаштирилган техника воситалари билан алмаштириш борасидаги тажрибалар ва натижада юзага келган зиддиятли йўналишлар, таълим қамраб олган муаммолар ҳақида тушунчага эга бўласиз.

Республика "Оила" илмий-амалий Маркази аспиранти Сайёра Чиниева маънавий маданиятни шакллантиришда китобнинг ўрни беқийсизлигини таъкидлаб, ўқитувчи ва ота-она, ўсмирларга китобдан фойдаланишида ихтисослар бўйича китобларни тавсия этишини маъқул кўради.



**Bu sizning darsligingiz, o'qing, asrab-avaylang!**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Ўқув қўлланмаси сифатида 8-синфларга тавсия этилган "Ўзбекистон тарихи" (Н.Норкулов, У.Жўраев) XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўзбекистон ҳақида билим ва тушунча беради. Бунда ўқувчилар шайбонийлар давлатининг ташкил топиши, шайбонийлар ва темирлар ўртасидаги курашлар, Шайбонийхон ва Бобур Мирзо ўртасидаги тўқнашувлар тафсилотидан хабардор бўладилар. Шунингдек, Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар жараёни қандай кечганлиги ушбу ўқув қўлланмасида ўзининг теран баённи топган.

"Ватанимиз тарихи фақат у ёки бу ном билан аталадиган салтанат ёки давлатнинг вужудга келиши ҳамда унинг емирилиши тарихидангина иборат эмас", дейилади китобга ёзилган сўзбошида. Қўлланма 8 та бобга ва 46 та мавзуга бўлинган. Унинг сўнгги саҳифаларидаги муҳим тарихий саналар ўқувчи ён дафтарчасига қайд қиладиган шаклда берилган.

Тарих фанига доир бу китоб ҳам мактаб ўқувчиларининг маънавий мулкига айланиб қолишига шубҳа йўқ.



Севимли журналимнинг навбатдаги, яъни 2001 йил 1-сониди.

## МАЗЗА ҚИЛИБ ЎҚИДИМ

ни ҳам мазза қилиб ўқиб чиқдим. Ундан жуда кўп маълумотлар олдим. "Ўзбекистонни тан олган давлатлар" рўйхатининг берилгани мен каби битирувчи синф ўқувчилари бўлажак абитуриентларга ёқиши тайин. Чунки мана шундай саволлар тест топшириқларида бор. "Ўқувчи тўйга бориши мумкинми?" сарлавҳаси остида тенгдошларимизнинг фикрлари берилибди. Мен ҳам уларнинг кўпчиликларининг фикрларига қўшилман. Ҳар ҳолда ўқувчининг биринчи вазифаси ўқиш. Бизда эса қизлар қариндошларининг тўйларида қатнашиб, хизматда бўлишади. Бу яхши бўлса керак. "Ўғригина - қизгина"

на", "Синфдош"ни ўқий олмайман" каби материаллар мени жуда хафа қилди, зеро бундай ёшларнинг бу йўллардан қайтишлари учун уларнинг яқин биродарлари ёрдамга келишлари зарур деб ўйлайман. "Одам Ато ва Момо Ҳаво" ҳақидаги ҳикоядан момолардан эшитиб юрган турли талқинларимга ўзига хос хулоса ясадим. Бундан ташқари журналдаги жуда кўп савол-жавоблар, маълумотлар ҳам киши билимини оширишга хизмат қилад деб ўйлайман.

Кейинги сонда учрашгунча "Синфдош"! А.АСРОРОВ, ўқувчи

## ЎҚИТУВЧИГА ҚЎШИМЧА МАНБАЛАР - ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

"Лексикология бўйича эртақ-дарс" мақоласи муаллифи Нилуфар Йўлдошева она тилига қизиқишни оширишда эртақ-дарсларнинг алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратган.

ЎзДЖТУ профессори Г.Абдуллаеваниннг она тили ва адабиёт фанидан ёзма ишлар қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари ўқитувчилар учун муҳимдир.

Давлат тилини ўрганаётган русийзабон болаларга Шарқ халқларининг урф-одатларини янгича тарғиб этувчи сабоқлардан бири "Кўргазма ярмарка дарси" деб номланган. Ижодкор ўқитувчи Зулайхо Ҳасанованиннг бу дарс ишланмаси семинар иштирокчиларининг юқори баҳосига сазовор бўлгани учун журналхонлар ҳукмига ҳавола этдик.

Адабиёт ўқитувчиси учун зарур бўлган маънавий фазилатлар ва унинг касбий фаолияти қирралари ҳақида ЎзПФТИ илмий ходими Р.Келдиёровниннг "Адабиёт ўқитувчисининг намунали касбий тавсифномаси" мақоласи орқали билиб олиш мумкин.

Ҳар галгидек журнал саҳифалари ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз ичига олган бўлиб, дарсингизда фойдаланиш учун қўшимча манбаларни бера олади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,  
журнал бўлим муҳаррири

## НЕМИС ОЛИМАСИ КИТОБИ

"Маънавият" нашриётида "XX аср ўзбек адабиётига чизгилар" номли китоб босмадан чиқди.

Китоб муаллифи, таниқли немис олимаси Ингеборг Балдауф барҳаёт хорижий шарқшуносларнинг энг кўзга кўринган вакиласидир. У ака-ука Хумболдтлар номидаги Берлин университети профессори. И.Балдауф туркий халқлар тили, адабиёти ва маданияти масалалари билан шуғулланиш билан бирга, университетда илмий мактаб ҳам яратган. Олима 11 та тилни яхши билади. Ингеборг хоним XX аср ўзбек адабиётининг маърифатпарварлик даври ва бу давр ада-

биёти намояндалари ижодини қийосий тадқиқ этади.

Китобда Ингеборг хоним ўзбек халқига бўлган меҳру муҳаббатини, ўзбек диёрига бўлган қизиқишини "Махмудхўжа Бехбудий ва унинг "Ойна" журнали", "Абдурауф Фитрат: шайтоннинг тангрига исёни" номли мақолалари орқали билдириб ўтган. Олиманиннг Фитратга берган юксак баҳоси китобда гўзал мисраларда ифодасини топган.

Бу китоб ҳам ўзбек ва немис халқлари маданий-маърифий алоқаларининг мустаҳкамланишига катта хизмат қиладди, деб ўйлаймиз.

## ДАРСЛАРДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТ ЯРАТИШ

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш таълим-тарбия соҳасининг долзарб вазифасидир.

Шу боис мен ўқувчиларимни ўзим ўтаётган фан — математикага қизиқтириш учун муаммоли таълим омилларидан ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қиламан. Бу йўл ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари ривожланишига сезиларли таъсир этмоқда. Ўқувчилар олдида қўйиладиган муаммоларни бир ёки бир неча дарс давомида ҳал қилишлари мумкин. Мен дарс пайтида материалларни баён қила туриб, вақти-вақти билан ўз баёнимни тўхтаганимдан ва синф ўқувчиларига саволлар билан мурожаат қиламан. Бу саволлар ўқувчини изланиш фаолиятига жалб этишга, ўйлашга мажбур этади. Бунда муаммоли вазият — "қийинчилик вазияти", "кутиш" вазияти яратилади. Масалан: мен 7-синфда "Уч-

бурчак ички бурчакларининг йиғиндисини" мавзусига доир дарсни ўтаётганимда ўқувчилар олдида қуйидаги муаммоларни қўяман:

1. Учбурчак ички бурчаклар йиғиндисини, унинг томонлари ўлчамларини аниқлаш?
2. Учбурчак ички бурчаклар йиғиндисини унинг турларига боғлиқми?
3. Учбурчак 2 та тўғри бурчак бўлиши мумкинми?
4. Учбурчакда иккита ўтмас бурчак бўлиши мумкинми?
5. Бурчаклари 60, 70, 80 бўлиши мумкинми?
- 8-синфда эса "Учбурчакнинг юзи" мавзусини ўтаётганимда, дастлаб учбурчакнинг юзи ҳақидаги теореманиннг исботини кўрсатаман, сўнгра ўқувчиларнинг шу мавзу бўйича олган билимларини мустаҳкамлашда қуйидаги амалий иш ёрдамида муаммоли вазиятни вужудга келтираман:
  1. Ихтиёрий учбурчак ясанг.

2. Ясалган учбурчакнинг тамонлари.
3. Учбурчакнинг параметрларини топинг.
4. Берилган учбурчакларнинг баландликларини ўтказинг ва уларни ўлчаб ёзинг.
5. Учбурчакнинг бурчакларини транспортир ёрдамида ўлчаб ёзинг.

### Sinab ko'ring

6. Учбурчакнинг йиғиндисини топинг.
7. Берилган учбурчакнинг юзини ҳисобланг. Бу каби муаммоли саволларга ҳар бир ўқувчи дафтарда мустақил жавоб ёзади. Бундай топшириқни бажариш билан уларнинг фанга қизиқиши ва ўқув материалига нисбатан фаол, онгли фаолиятини вужудга келтиради ҳамда ижодий тафаккурини ўстиради. Ўқувчиларнинг математикадан

олган билимларини синаш, мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстириш, фаоллигини ошириш мақсадида дарс мобайнида тез-тез, кичик-кичик мустақил ишлар билан ҳам муаммоли вазият яратиш мумкин. Бу машқат 5-10 минутга мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларнинг мушоҳада этиш, фикрлашини ўстиришга қаратилган бўлади.

Тарқатма — дидактик материаллар, топшириқларни синфдаги кучли, ўртача, кучсиз ўқувчиларга мўлжаллаб тузаман. Бундай ҳолда ўқувчи топшириқни мустақил бажаргач, ўзига ишончи ошади ва математика фанига қизиқа бошлайди.

Бундан ташқари, мен математика дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстириш учун, мусобақа шаклидаги ўйинлар билан ҳам муаммоли вазиятни вужудга келтираман. Бу усулни қўллаш билан ўқувчиларни мушоҳада этишга, ўзлари ўйлаб жавоб

беришларига, мустақил фикр юритишларига вазият яратаман. Айниқса гуруҳларга бўлиб сўралганда, мусобақалар уюштирилганда, ким чаққонроқ, фаол фикрлай олиши кузатилади. Шу фандан кучлироқ, яхшироқ ўзлаштирадиган ўқувчилар бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга бириктирилади. Бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларнинг ишларини яхши ўзлаштирадиган ўқувчилар текшириб борадилар. Қисқаси, шу йўл билан биз ўқувчиларнинг математикага қизиқишини бир поғона кўтарган ва ўзимизга ўринбосарлар тайёрлашга ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Мавжуда ҲОТАМОВА,  
Самарқанд вилояти Паст Даргом туманидаги 31-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси

## ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

### 4-мавзу. I-дарс. ХАВФЛИ ТАБИЙ ЖАРАЁН ВА ХОДИСАЛАР

Инсон пайдо бўлибдики, у табиат билан доимо бирга унинг манбаларига сикиниб яшаган (сув, ҳаво, ҳайвонот оламидан ўзларига худолар яратилган). Ўтмишда инсонлар табиий жараёнлар пайдо бўлишининг асл моҳиятига тўла тушуниб етишмаган бўлишсада, ўз ақл-идроклари доирасида маълум даража муҳофаза тадбирларини амалга оширишга ҳаракат қилишган.

Содир бўлаётган табиий жараён ва ҳодисаларнинг туб моҳияти ернинг доимий ҳаракатидандир. Маълумки, ҳаракат ер юзасида атмосфера қатламида, ҳаёт қобиғи — биосферада ва ернинг ички қисми (литосфера, мантия, ядро)да содир бўлади.

Атмосферада содир бўлаётган ҳаракат туфайли йил фаслларининг ўрни алмашади, иссиқ иқлим совуқ иқлимга ўзгаради. Меъридан ортик ёғинлар ёғиши натижасида

офатларнинг сони икки баробар ўсди. Буларнинг ҳаммаси табиатда экологик мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, аҳоли ва худудларни табиий офатлардан ёки табиий хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилишга эътиборни кучайтиришни талаб этади.

Содир бўлишини олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган фавқулдда вазиятлар (сув тошқини, сел, кўчки, қор кўчкиси, довул ва б.) хавфи туғилганда ёки улар рўй бергандан сўнг электросирена, ишлаб чиқариш корхоналари гудоклари орқали аҳолига хабар берилади. Бу сирена овози "ДИҚҚАТ, БАРЧАГА!" сигналини билдиради.

Сигнал овозини эшитгач, тезликда радиоприёмник, телевизорларни ёқиш ва маҳаллий ҳокимият органларининг ахборотини эшитиш керак. Ахборотда аҳоли қандай ҳаракат қилиши тўғрисида маълумот берилади. Масалан, сув тошқини башорат қилинганда қуйидагича хабар берилиши мумкин: "Диққат! Шаҳар (туман) фавқулдда вазиятлар

### О'zimizni o'zimiz asraylik!

тоғ ва тоғ олди худудларида селлар пайдо бўлади, қор кўчкиси юзага келади. Ҳаво оқими туфайли эса кучли шамол, довуллар рўй беради.

Ернинг ички ҳаракати туфайли зилзила, вулконлар юзага келса, ташқи ва ички куч таъсирида кўчки, ўприлиш ҳодисаларини кузатамиз. Ҳар қандай хавфли ҳолат юзага келар экан, у аҳоли истиқомат қилаётган жойларга, одамларнинг яшаш тарзига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Албатта, бундай вазиятларда муҳофаза тадбирларини амалга ошириш қоидаларига риоя қилишимиз хавфсизлигимизни таъминлайди.

XX асрнинг охириги йилларида табиий офатларнинг сони ва ҳалокатли кучи бориши кузатилди. Охириги ўн йилликда табиий

бўлимидан гапираемиз! Фуқаролар!.. дарёсида сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида сув тошқини бўлиши кутилмоқда. ... туманларида жойлашган халқ хўжалиги объектлари ва турар жой биноларининг сув остида қолиш хавфи бор. Шу туманлар аҳолиси тезликда ўзлари билан ҳужжат, зарур буюмлар, 3 кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб, туман ҳокимият биносига тўпланишлари лозим. Бу ердан улар транспорт воситалари ёрдамида хавфсиз жойларга олиб чиқиб кетиладилар. Уйдан чиқишдан аввал сув, газ, электр тармоқларини ўчиришни унутманг! Кейинги кўрсатмаларимизни кутинг."

**А. НУРХЎЖАЕВ,**  
фуқаро муҳофазаси институти  
бошлиқ муовини,  
**Захро ИЛЁСОВА,**  
ўқитувчи



Бир кичикроқ даврада ўтириб, ҳамсухбатларнинг мактаб хусусидаги мусохабалари эътиборини тортди. Ҳар иккинчисининг ҳам фарзандлари пойтахтдаги 200-мактабнинг 1-синфида ўқир экан. Эшитганларимдан аён бўлдики, бу мактабда 6 ёшли болаларни қабул қилган махсус биринчи синфлар ташкил этилган бўлиб, бу синфларда ёш, лекин истеъдодли муаллимлар дарс беради.

Касбим фотожурналист бўлгани боис, ушбу самимий суҳбатдан олган таассуротларим билан вақт топиб ўша таълим муассасасига бордим. Кўрдим. Эшитганларим рост экан. 1-"Т" (тараққиёт) синфида кечаётган дарс жараёнини кузатдим. Синфдаги деярли барча ўқувчи 6 ёшли. "Қўшни" синфидаги етти ёшли болалардан ҳеч қолишмайди. Улар мuddатидан олдин "Алифбо"ни ўзлаштириб, ўқиш, ёзиш машқлари сари одимлаб кетишибди.


—Ўқувчилар деярли ҳар бир байрам ёки тадбирларга ўзига хос тайёргарлик кўради. Ва, албатта, ўқувчилар кўли билан ясалган бирор-бир "арзигулик" деворий газетам, ижодий бурчакми уюштирилади —дейди синф раҳбари Муяссар Каримова. —Бунга ҳамма ўз ҳиссасини қўшиб қолишга ҳаракат қилади. Биз эса, ҳар бир ҳаракатни рағбатлантириб борамиз. Боланинг иштиёқи сўнмасин деймиз.

Ҳа, ота-оналар миннатдорчилигига эришиш ўқитувчи учун шараф. Бу касб шунинг учун ҳам шарафли. Суратда: 1-"Т" синф ўқитувчиси Муяссар Каримова ўқувчиларга суратга қараб ҳикоя тузишни ўргатмоқда. Равиль АЛЪБЕКОВ олган сурат.

## Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси 2001-2002 ўқув йилига қуйидаги фанлар бўйича ўқитувчиларни ишга қабул қилиш учун

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- бошланғич синф ўқитувчилари;
- инглиз тили ўқитувчилари;
- тарих ва ҳуқуқ;
- жисмоний тарбия;
- она тили ва адабиёт;
- рус тили ва адабиёт;
- информатика;
- кимё;
- биология;
- география.



Танловга ҳужжатлар 2001 йил

1 майга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент, Буюк Улак йўли, 71. Тел: 67-06-54  
(Жаҳон иқтисоди ва Дипломатия университети қаршисида).

## ТАШАББУС ФАОЛЛИККА УНДАМОҚДА

Бухоро вилоятида ўтказилиб келинаётган "Мактаблар куни" ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан мактабларга кўрсатилаётган бу эътибор, ўз навбатида, таълим ходимларини ҳам фаолликка, изланувчанликка ундамоқда.

Бизнинг Когон шаҳрида жойлашган 7- мактабимизда ҳам бу эътибор самаралари сезилмоқда. Мактабимизга ҳокимлик ва халқ таълими бўлими вакиллари ташриф буюришиб, моддий ва маънавий, услубий кўмакларини бериб келишмоқда. Мактабимизнинг ҳар бир ўқитувчи-

си бугунги кунда ҳар бир дарсга ижодкорлик билан ёндошишга, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилишмоқда. Натижада таълим самарадорлиги ўсиб, болалар билимдонлигининг юксалишига эришяпмиз.

Мухтасар айтганда қаердаки таълимга, мактабга яхши эътибор қаратилар экан, ўша жойда ривожланиш, юксалиш бўлаверади.

**Малоҳат МАХМУДОВА,**  
Бухоро вилояти Когон  
шаҳридаги 7-ўрта мактаб  
муаллимаси

Тошкент шаҳар ҳокимияти  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
бошқармаси ва касаба уюшмаси  
жамоаси бошқарма ходими

**Шораҳмат ШОИСЛОМОВ**нинг  
бевақт вафоти муносабати билан  
марҳумнинг оила аъзолари ва  
яқинларига чуқур таъзия  
изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани  
халқ таълими бўлими ва 274-мактаб  
жамоаси шу мактаб директори Сайфулла  
Маҳкамовга ўқаси

**Исматилла МАҲКАМОВ**нинг  
бевақт вафоти муносабати билан  
таъзия изҳор қилади ва марҳумнинг  
оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



QUTLOV!



Ҳурматли Қумри ИНОЯТОВА!  
Қадрли Минавар ЗОҲИДЖОНОВА!

Сизларни умрингизнинг 50-баҳори билан табриклаймиз. Мактабимиз таълими ривожига қўшган хиссаларингиз ҳамisha қалбимизда. Бундан буён ҳам яқинларингиз ва оилангиз бахтига соғ-саломат бўлинг. Фарандларингиз камолини кўринг.

Тошкент шаҳридаги 136-мактаб жамоаси

Мухтарама ҳамкасбимиз Фарида Абдуғафорова!  
Сизни таваллуд топган кунингиз билан кутлар эканмиз, баҳдр фаслидаги сўлимлик, гўзаллик ва поклик ҳаётингизни безашига тилак билдирамиз. Аввало фарзандларингиз, қолаверса, шогирдларингиз иқболини кўриш Сизга насиб айласин!  
Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 73-мактаб жамоаси.



Мухтарама устозимиз  
Робия Парсаева!  
Сизни баҳорнинг ушбу  
шукуҳли кунларида таваллуд  
топган кунингиз билан  
чин дилдан кутлаймиз.  
Оқдарё туманидаги 29-  
мактабда кечган 30 йил-  
лик фаолиятингиз давомида  
сиздан сабоқ олган  
минглаб шогирдларингиз  
ҳамisha миннатдор.  
Оилангиз ва яқинларингиз  
бахтига соғ бўлинг.

Шогирдларингиз.

ХАРБИЙЛАРНИНГ ҲАМ  
ЎРНИ МУҲИМ

Афинада Фаластин мухторияти маъмуриятининг вакили Набил Шаат ва Исроил ташки ишлар вазири Шимон Перес ўртасида музокара ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилиши ҳақида фикр билдирар экан, Жаноб Перес бу борада икки томон ҳарбий маҳкамалари раҳбарларининг учрашувини ҳам ўтказиш анча ёрдам беради, дея айтди.

Рейтер агентлигининг хабар беришича, мазкур ўтказилаётган музокара Исроил — Фаластин ўртасида сўнгги 2 ой ичидаги биринчи музокара ҳисобланади.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ  
САЙЛАНДИ

ИТАР-ТАСС агентлиги хабарига кўра, коммунистлар партияси раҳбари Владимир Воронин Молдавия президенти сайланган. Ушбу масала юзасидан мамлакат парламентининг ўтказган ялпи мажлисида унга 71 депутат овоз берди. Янги пре-

ЕР  
ЮЗИДА

зидент халқ ноиблари олдида чиқиш қилар экан, "Жамиятдаги барча соғлом кучлар келгусида янги давлат қурилишига қаратилмоғи лозим", — дея гапириб ўтди. 1994 йилдан буён коммунистлар партияси марказий кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келаётган 60 ёшли Воронин мустақил Молдавиянинг учинчи президенти саналади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ  
НОРМАЛАРИ БУЗИЛГАН

Чоршанба кун Хитой матбуоти илк бор Америка жосус-самолётининг суратини воқеа шарҳи билан биргаликда чоп этди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари Хитой ҳукумати раҳбариятининг Америка томонининг воқеага доир жавобгарликни ўз зиммасига олишини ҳамда дарҳол Хитой халқи олдида кечирим сўраши ҳақидаги талабини эълон қилди. Хитой журналистларининг фикрича, Кўшма Штатлар халқаро ҳуқуқ нормаларини бузиб, Хитой чегарасида жосуслик фаолиятини олиб борган. Ҳозирда Хитой тарафи мазкур масала юзасидан АҚШ билан ҳамкорликда текширув олиб боришга тайёрлигини билдирмоқда.

## АННАН ТАРАФДОРЛАРИ

Асошиэйтед-Пресс агентлиги хабарига кўра, Лотин Американинг 22 давлати ва Кариб ҳавзасидаги бир неча мамлакатлар Кофи Аннани БМТ Бош котиби лавозимида иккинчи муддатга қолишини кўллаб-қувватламоқдалар. Уларнинг назарида, К.Аннан Бош котиб вазифасида ёрқин фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан аввалроқ эса 53 та Африка ҳамда 5 та Скандинавия давлатлари шу хилда фикр билдирган эдилар.

К.АЛИОХУНОВ тайёрлади

800 МИНГ ДОЛЛАРЛИК  
ГИЕҲВАНД МОДДА

Австрия божхона хизмати ходимлари Сербия фуқаросининг машинасида умумий қиймати 800 минг АҚШ доллари бўлган 10 килограмм героин ва 0,5 килограмм кокаин моддаларини топиб олдилар. Маълум бўлишича, бундай гиёҳванд моддалар Венага сотиш учун олиб кетилаётган экан.

Мамлакат парламенти қабул қилган янги қонунга мувофиқ 42 ёшли жиноятчи Драган Цоймич бир умрга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Ўтган мақолаларимиздан бирида маълум қилганимиздек, моддалар тузилишини ташкил қилган заррачаларнинг хоссаларини ўрганиш жараёнида уларни бомбардирмон қилиш учун турли тезлатгичлардан фойдаланилган. Бундай тажрибаларни электронлар оқимидан иборат бўлган бета-заррачалар ёрдамида биринчи бўлиб Э.Резерфорд ўтказганлигидан ҳам хабаримиз бор.

1930-йилларда бир қатор тезлатгич қурилмалари юзага келди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам керакли савиядаги тадқиқотларни ўтказишга қодир эмас эди. Шу орада физиклар элементар заррачалардан иборат бўлган табиий манбани пайқаб қолдилар. Ер шарининг устки қобиғида кенг тарқалган бундай оқимлар манбасини "космик нурлар" деб аташ аънамага айланди. 1910 йили немис физиги Т.Вулф Париждаги Эйфел минорасида ўтказган тажрибаларининг натижаларидан фойдаланиб, ер юзасидан кўтарилган борган сари бундай нурларнинг радиация оқими сийраклаша боришини аниқлади. Шу сабабли ҳам бундай нурлар заманимиз бағридаги радиактив моддаларнинг радиация фони ҳисобига ҳосил бўлар экан, деган фикрлар пайдо бўлди.

Орадан бир йил ўтгач, австриялик ёш иқтидорли физик Виктор Франц Гесс ушбу тажрибани янада оқорирок баландликларда ўтказишга қарор қилди. Олинган натижалардан аниқ бўлдики, баландлик 600 метрга етгунча ҳақиқатдан ҳам радиация камаяр экан. Юқорига кўтарила борган сари эса, радиация миқдори орта боради. Шу йўл билан коинотдан атмосфера орқали Ер юзига кучли радиация оқими тушиши аниқланди.

Шундай қилиб, В.Гесс ҳаво шаридан фойдаланиб беш километр баландликкача кўтарилди ва турли баландликлардаги радиация миқдорини ўта аниқлик билан ўлчашга муваффақ бўлди. Унинг 1912 йили эълон қилинган илмий ишларида Ер юзига атмосферани ёриб ўтаётган катта энергиядаги радиация оқими мавжудлиги илмий йўл билан тўла асослаб берилди. Бу соҳада олинган натижалар Нобел кўмитаси томонидан муносиб тақдирланди ва

В.Гесс 1936 йилги физика соҳасида ушбу юксак мукофот соҳиби бўлди.

Энди ушбу нурларнинг хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтсак. Коинотдан келаётган нурларнинг энергияси 10<sup>12</sup> Гэв гача бўлиб, тўғридан-тўғри тушаётган нурларни "бирламчи", уларнинг атмосферадаги атом ядролари билан тўқнашиши натижасида ҳосил бўладиган заррачалардан ташкил топган нурларни эса "иккиламчи" нурлар деб аташ қабул қилинган. Бирламчи нурлар таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг тахминан тўқсон фоизи протонлардан, етти фоизи альфа-заррачалардан, қолгани эса электронлардан, позитрон-

КОСМИК  
НУРЛАРДАН  
КВАРКЛАРГА

лар ва гамма-квантлардан иборат бўлади. Бирламчи космик нурларнинг асосий қисми Ерга Галактикадан келса, қолган озгина қисми Кўёш активлиги билан боғлиқдир. Галактик космик нурларнинг асосий манбаси ўта янги юлдузларнинг чақнаши ёки янги ҳосил бўладиган пульсарлардир. Зарядланган заррачаларнинг тезлашиши пульсарлараро ёки уларнинг атрофидаги турбулент плазма қобиқларда вужудга келадиган электромагнит майдонларидан юзага келади деган тахминий фикрлар бор. Космик нурларнинг пайдо бўлиш соҳаларида интенсив синхротрон нурланиш содир бўлади. Шу тариқа тезлашган заррачаларни юлдузлараро магнит майдонлари сочиб юборади ва улар ўртача 20-200 миллион йиллардан сўнг Ерга етиб келади.

1912 йили англиялик физик Чарл Томсон Рис Вилсон томонидан зарядланган заррачаларни қайд қилувчи "Вилсон камераси" яратилди. Чарлз Вилсон сув буғларининг конденсация бўлиш жараёни ва булут ҳосил бўлишига бағишланган илмий назариясини яратди ҳамда атмосферадаги ҳар бир зарядлан-

## ҚОЧОҚЛАР УШЛАНДИ

Яқинда Малайзиянинг Негери Сембилан штатидаги қамоқхонадан мамлакатга ноқонуний кўчиб келган 10 нафар индонезиялик ва 21 бангладешлик фуқаро қочган эди. Полициянинг қидируви натижасида бангладешлик қочоқлар қўлга олинган.

Айни пайтда, дея хабар беради Рейтер агентлиги, Малайзиянинг кўчиб келувчиларга хизмат кўрсатиш ташкилоти мамлакатга ноқонуний кўчиб келаётганларга нисбатан қаттиқ муносабатда бўлмоқда. Чунки бу хилдаги ташриф буюрувчилар давлат иқтисодига салбий таъсир этар эканлар.

## Nobel mukofoti sohiblari

ган ион ҳаводаги сув буғларининг конденсация бўлиш маркази бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб берди. Табиатдаги булут ҳосил бўлишининг табиий жараёнини кузатиш қийинлиги сабабли, Вилсон поршенли насос ёрдамида ҳажм ва босимни бир вақтда тез ўзгартириш билан сув буғини конденсация ҳолатига келтирувчи махсус камера ихтиро қилди. Радиоактив нурлар камерадан ўтиши давомида ионлар ҳосил қилади ва бу ионлар атрофида сув заррачаларининг конденсация бўлиши ҳисобига кўриниш хусусияти намоён бўла-

кашфиётларга кенг йўл очиб берган бундай замонавий қурилма муаллифининг ядро физикаси соҳасига қўшган улкан ҳиссаси учун 1948 йилги Нобель мукофоти билан тақдирланиши бежиз эмас эди.

Буюк физик Макс Планкнинг шогирди Вальтер Боте бундай қурилмаларни янада такомиллаштирди. 1924 йили Берлин университети қошидаги Физика-техника институтида яратилган янги қурилма "мос келиш" усули билан машхур бўлди. Бу усулнинг асосий ютуғи шундан иборат эдики, унда ҳар бир заррачадан ажраладиган электр импульсини қайд қилиш имкони бор эди. 1929 йилдан бошлаб В.Боте бу қурилмада космик нурларни ўрганишни йўлга қўйди ва бир қатор ижобий натижалар олди. Космик нурларни ўрганиш борасидаги хизматлари учун Вальтер Боте кечроқ бўлса ҳам, 1954 йили физика соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлди. Космик нурларнинг ажойиб сингиш хусусиятидан амалий мақсадларда — қидириш ва инженерлик геологиясида қалин ер қатламини, руда жисмлари ва бўшлиқларни, шунингдек, улкан иншоотларни ўрганишда ҳозирги кунгача ҳам самарали фойдаланилмоқда.


Энди аввалги мақоламизда берган ваъдаимизга мувофиқ кварклар хусусида қисқача маълумот бериб ўтамиз. Кварк — майда электр зарядли заррача бўлиб, адронларнинг таркибий элементи ҳисобланади. Кварк сўзи олмон тилида "творог" сўзига мос келади, лекин аслида бу сўз дудмал ва сирли нарсани ифодалайди. Ўз навбатида фанда маълум бўлган адронлар ё кварк-антикварк жуфти (мезонлар)дан ёки уч кварк (барион)лардан иборат бўлади.

Атом ядросининг тузилиши ва ундаги заррачаларнинг ўзаро таъсирлари тўғрисида кейинги мақолаларимиздан бирида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Абдумажит Тўраев,  
физика-математика  
фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Физика  
жамияти ҳайъати  
аъзоси



## АЁЛ ҚАЛБИ



Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида шу кунларда Сиддиқ Жўранинг композитор Мустафо Бафоев мусиқаси асосидаги "Аёл қалби" спектакли устидаги ишлар ниҳоясига етмоқда. Асарни театр режиссёри Маъруф Отажонов сахналаштираётган. Саҳна безаклари рассом Аҳмаджон Ҳуриновни. Саҳна либослари эскизини ёш, истеъдодли рассом Шахло Курбонова ишлаган.

"Аёл қалби" спектаклида бош қаҳрамон образини яратаётган истеъдодли актриса Мақсуда Отажонова билан учрашиб, ундан қисқа интервью олишга муваффақ бўлдик.

"Менга бош қаҳрамон Моҳида образини яратиш топширилган. Драма жанрига мансуб ушбу саҳна асаримиз меҳр-муҳаббат, аҳдида қойимлик, севгига садоқат, вафодорлик ҳақида ҳикоя қилади. Спектаклнинг мусиқали таркиби ҳам томошабинларга манзур бўлади, деб ўйлайман. Негаки, бастакор томошабинларнинг дилига, қалбига яқин куйлар ва ажойиб кўшиқлар яратишга астойдил ҳаракат қилган. Спектакл зиддиятли ҳолатларга, мураккаб вазиятларга бой. Шу боис, унда қатнашаётган ҳар бир актёр бор маҳоратини ишга солиб, ўз образини устида жиддий иш олиб бормоқда.

Саҳнада мен билан бирга театримиз артистларидан Суръат Пўлатов, Турсунбой Пиржонов, Қобилжон Умиров, Отабек Ҳақбердиев, Абдуғани Рўзиев, Гулнора Ҳуринова, Азиз Латиповлар турли характердаги ролларни ижро этадилар", деди М.Отажонова.

Г. УМАРОВА


"Туркистон" саройи 20-21  
апрель, соат 18.00

Баҳорни севганлар унда апрель борлиги учун севсалар не ажаб. Мафтункор осмонни оппоқ булутлари, гиламдек майсасию гуллаган боғлари, абри найсонни рангин камалаги билан апрель дилларга завқ бағишлайди. Чиройли манзара. Бу гузалликка кунгилларни сел қилувчи куй-қушиқ уланса-чи? Энди бунинг таърифига қанча-қанча қоғоз қоралашимизга тўғри келади.

Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Маҳмуд Номозов пойтахтимизнинг мухташам "Туркистон" саройида 20-21 апрель кунлари соат 18.00 да буладиган концертида мухлисларга ана шундай кайфият бахш этишга жазм этибди.

— Маҳмуд ака, концерт дастурингиз "Соғинч" деб номланибди...

— Сабабини сурамоқчисиз-да. Аввало шуки, ҳар бир санъаткор мухлисларини соғиниб яшайди. Концерт санъаткор билан мухлисларнинг дийдорлашуви-дир. Уткир Раҳмат шейри билан айтувчи "Соғинч" деган қушигимнинг эл орасида озми-кўпми эътибор қозонгани ҳам концертнинг шундай ағалишига сабаб бўлди. Қолаверса, ниятимиз шу: мухлисларни соғинч тарк этмасин. Бу энг гузал туйғу.



## СОҒИНЧ

унинг ташкилий жиҳатлари осон эмас.

— Илгари 1999 йилда "Туркистон" да концерт берганман. Бу гапгиси "Туркистон" саройининг ташаббуси билан буляпти. Шу уринда ҳаммаси яхши булиши учун мен билан теппа-тенг тер тукаётган концерт бош режиссёри Саъдулла акага, дизайнер рассоми Бахтиёр Тураевга, шу ишга бош қўшаётган барча-барчага миннатдорчилик билдираман. Дастурни "Сурхон" гуруҳининг доимий бошловчиси, Ўзбекистон радиоси "Ёшлар" каналининг бошловчи муҳаррири Рустам Ҳотамов олиб боради.

Ҳасан КАРВОНЛИ суҳбатлашди.

ҚАЛЛИҚ  
ЎЙИН

Шундай яхши анъана ва урф-одатларимиз борки, уларни жаҳонга кўз-кўз қилсак арзийди. Анъаналаримиз билан доимо фахрланиб юрамиз. Зеро, улар бизга қадимий тарихимизни, кимлигимизни, кимларнинг авлодлари эканлигимизни эслатиб туради.

Бугунги кунда Ҳамза номидаги академик драма театри биноси таъмирланган бўлса-да, театр ижодкорлари ўз фаолиятларини тўхтатганлари йўқ. Улар Тошкент Давлат санъат олийгоҳининг машғулотлар саҳнасида яна бир асар устида ишламоқдалар.

Бу "Чимилдиқ" пьесаси билан барчанинг назарига тушган ижодкор Эркин Хушвақт қаламига мансуб "Қаллиқ ўйин" спектакли устидаги ишлардир. Бу асарда юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек миллий одатларидан бири бўлган қаллиқ ўйин ҳақида фикр юритилади. Театрнинг етакчи ва истеъдодли актёрлари ижро этаётган, бир-биридан мураккаб психологик образлар ва қизиқарли намоийшлар томошабини бефарқ қолдирмайди. Яқин кунларда бу асар премьераси "Туркистон" саройида бўлиб ўтади.

МУХБИРИМИЗ



Жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётини ёрқин намоён этишда музейларнинг ўрни катта.

Республикаимизга ташриф буюраётган саёҳатчилар, умуман меҳмонларнинг бир кунлик фаолияти билан қизиққанмисиз? Улар бевосита маданий ҳордиқ сифатида чиройли, манзарали ҳамда тарихий жойларга саёҳатлар уюштиришади. Ва шу билан бирга буларнинг исботи сифатида музейларга ҳам қадам ранжида қилишади. Хўш, нима учун? Чунки музейлар тарих кўзгуси. У аждоқлар яратган буюк мерос, маданий-маърифий бойликлар сақланадиган ягона муассаса ҳисобланади.

Келинг шу ўринда республикаимиздаги мавжуд музейлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та адабий, 1 та табиий-илмий музейлардир.

Республикаимиздаги мавжуд 3 та музей-қўриқона Марказий Оси-

## ҚАНЧА МУЗЕЙ БОР?

ёнинг қадимий шаҳарларида жойлашган. Булар Самарқанд давлат музей-қўриқонаси, Бухоро Давлат музей-қўриқонаси ва Хивадаги "Ичон-Қалъа" давлат музей-қўриқоналаридир. Шунингдек, тизимда тасвирий ва халқ амалий санъатининг нодир намуналари сақланаётган Давлат санъат музейи, Республика халқ амалий санъати музейи ҳамда Қорақалпоғистон Давлат санъат музейлари фаолият кўрсатмоқда.

1969 йилдан Урганчда, 1979 йилдан Ангрен ва Сирдарё шаҳарларида бадий галереялар ишлаб турибди. Фарғона, Жиззах вилоятларида, Қўқон шаҳридаги ўлкашунослик музейларида санъат бўлимлари очилган. Аини пайтда музейларимизда табиат, илмий-оқартув, санъат, заҳира, тарих бўлимлари иш юритмоқда.

2000 йилгача олинган маълумотларга қараганда, республика музейлари фондида 1.350.000

тага яқин экспонат сақланмоқда. 1999 йил давомида уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинган.

Республика музейларининг умумий майдони-137150,4 кв.м, экспозиция майдони-56.195,5 кв.м, фонд сақланадиган майдонлари эса 2.791 кв.м.ни ташкил этади.

Музейларда илмий текшириш, тўплаш ва экспозицион ишлардан ташқари турли-туман илмий-оқартув ишлари: маърузалар, экскурсиялар, музей кунлари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, ўлкашунослик викториналари, турли мавзулардаги тематик кечалар, бадий тadbирлар ўтказилиб турилади.

Шуни фахр билан айтиш керакки, республикаимиз музейларига ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1999 йилдаги маълумотларга кўра, 1.655.400 киши музейлардаги маданий-маърифий "озуқа"дан баҳраманд бўлган. Вилоятлар бўйича оладиган бўлсак, бу борада Андижон вилояти ҳаммадан юқори натижани қўлга киритган, яъни Андижон вилоят музейларини-356.000 киши, Бухоро вилоят музей-қўриқонасини-180.000, Тошкент вилояти музейларини-174.000 киши томоша қилган. Бу эса вилоятлар аҳолиси ўртасида музейларга бўлган эътибор, қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Б.БОТИРОВ

## "ШАҲЗОД" КУЙЛАЙДИ

Пайшанбадан бошланган концерт дастури эртага ниҳоясига етади.


Гап қайси концерт дастури ҳақида кетаётгани билан қизиқяпсизми?

Бугунги кунда республикаимизнинг барча вилоятларида "Шаҳзод" гуруҳининг кўшиқлари кириб бормаган хонадон йўқ. Сабаби, гуруҳ солисти Рашид Холиқов барчанинг, ёшу қарининг кўнглига яқин, дилига ором берадиган кўшиқлар куйлайди.

5 апрель куни пойтахтнинг "Халқлар дўстлиги" санъат саройида узининг 10 йиллик ҳисо-

бот концертини бошлаган "Шаҳзод" гуруҳи концертдан олдин, Тошкент шаҳридаги 24-Меҳрибонлик уйида бўлиб, у ерда тарбияланаётган болажонлар билан учрашди, уларга янги кўшиқлардан куйлаб берди. 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам, уз навбатида, Рашид Холиқов яратган кўшиқларни ижро қилиб беришди.

10 йиллик ҳисобот концертида эса Рашид Холиқов янги кўшиқлар билан бир қаторда, эски кўшиқларини ремекс усулида куйламоқда.

"СОҒЛОМ  
АВЛОД  
ГУНЧАЛАРИ"

Аброр Ҳидоятлов номидаги драма театрида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси қошида ташкил этилган "Соғлом авлод гунчалари" театр-студиясининг тақдимот маросими ўтказилди.

Оналар ва болалар йили муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Она ва бола" Давлат дастурида миллий анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган театр-студиялар ташкил этиш кўзда тутилган. Дарҳақиқат, миллий ашула ва рақслар ҳамда қадриятлар мавзусига бағишланган кичик саҳна асарлари орқали ёшлар қалбида истиқлол ғояларига муҳаббат уйғотиш осон кечади. Шунинг учун ҳам болалар манфаатини кўзлаган жамғарма қошида ана шундай театр-студия дунёга келди.

Тақдимот маросимида театр-студиянинг 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган аъзолари ўз санъатлари билан томошабинларни мафтун этди. Улар томонидан саҳнага қўйилган "Хунардан зар унар" спектакли мазмун-моҳиятининг теранлиги билан томошага ташриф буюрган ёшларда катта таассурот қолдирди. Мазкур саҳна асарида хунарли кишилар ҳеч қачон бировнинг қўлига қараб қолмаслиги, аксинча ўз хунаридан барака ва қадр топиши чиройли очиб берилган. Шунингдек, мазкур театр-студия аъзоларидан бир гуруҳи ўзларининг ашулалари ва рақслари билан кечага файз киритди.

Томошага ташриф буюрган ёшлар ва хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари ҳамда уларнинг рафиқалари "Соғлом авлод гунчалари"ни илк муваффақиятлари билан қутлади. Эндиликда бу театр-студия мамлакатимиз умумтаълим мактаб ва боғчалари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари, "Меҳрибонлик" уйларида ўз санъатларини намоийш этадилар.

"Туркистон-пресс"

2002 йилда Япония ва Жанубий Корея давлатларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш турнирининг Осиё минтақаси 7-турухи биринчи давра учрашувларини Тошкентда ўтказилишидан хабарингиз бор, учрашувлар тақвими куйидагича:  
23 апрель(душанба)  
Туркменистон-Иордания,  
Ўзбекистон-Хитой Тайпейи,  
25 апрель(chorшанба)  
Хитой Тайпейи - Иордания,

Ўзбекистон -Туркменистон,  
27 апрель(жума)  
Хитой Тайпейи - Туркменистон,  
Ўзбекистон - Иордания.  
Учрашувлар "Пахтакор" ҳамда "МХСК" ўйингоҳларида бўлиб ўтади. Миллий терма жамоамиз ўз учрашувларини "Пахтакор" ўйингоҳида ўтказишади. "Пахтакор" ўйингоҳида ўтадиган учрашувлар соат 19.00 да, "МХСК" ўйингоҳидаги учрашувлар эса соат 16.00 да бошланади.



Чемпионлар лигасида чорак финал учрашувларининг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди. "Манчестер Юнайтед"(Англия)— "Бавария"(Олмония) - 0:1, "Галатасарой"(Туркия)— "Реал"(Испания) - 3:2, "Лидс"(Англия)— "Депортиво"(Испания) - 3:0, "Арсенал"(Англия) — "Валенсия"(Испания) -2:1. Жавоб учрашувлари 17-18 апрель кунлари ўтказилади.

UEFA кубогида ҳам ярим финал учрашувларининг дастлабки бўлиб ўтди. Унда "Барселона"(Испания)—"Ливерпул"(Англия) -0:0, "Алавес"(Испания) — "Кайзерслаутерн"(Олмония) - 5:1, жамоалари куч синашишди. Мутахассисларнинг, биринчи жуптлик учрашувини финалга қиёслашяпти. Бунга жавобни 12 апрелда бўладиган жавоб учрашувларидан сўнг билиб оламиз.

## КАНОТИНГНИ ЁЗАВЕР, ЎЗБЕК КУРАШИ



Шу йилнинг 28-29 апрель кунлари Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентдаги "Юнусобод" спорт мажмуида Ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати ўтказилади. Бу чемпионат курашимизнинг Осиё ўйинлари дастуридан жой олишида муҳим аҳамият касб этади.

Чемпионатга Осиё Олимпия кўмитасидан назорат гуруҳининг ташриф буюриши ҳам ўзбек курашига бўлган қизиқишни кун сайин ошиб бораётганини кўрсатади. Мусобақага 20 га яқин Осиё мамлакатларидан алпкелбат полвонлар ташриф буюрадилар. Ҳиндистон, Эрон, Сингапур, Шри-Ланка, Япония, Монголия, Корея, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон каби мамлакатлардан келадиган полвонларнинг исми-шарифи ҳозирданок маълумдир.

Япониялик Изуми Таканезава, Масаши Йошизава, Ҳиндистонлик Раван Кумар, Яшпал Саланки, эронлик Аббас Фалах, Голам Саезгар, шри-ланкалик Памал Капила, Кумар Ражасингх, корейлик Сеонг Пил, Эор Жунг ва бошқалар шулар жумласидандир.

Беллашувда эркаклар—73,81,90 кг ва мутлоқ вазн тоифаларида, аёллар ва қизлар—63 кг вазн тоифасида гиламга тушадилар. Шуниси диққатга сазоворки, унда нафақат Осиё давлатларидан, балки Африка ва Европанинг кўзга кўринган расмий доира вакиллари ҳам иштирок этиш истагини билдирганлар.

Ўзбек курашининг жаҳонга юз тутиши мустақилликка эришганимиздан сўнг қўлга киритган энг улкан ютуғимиз бўлди, десак муболаға қилмаймиз. Истиқлол туйғайли миллий қадриятимиз бўлмиш ўзбек кураши жаҳон халқларига ҳам ёйилди. Энди дунёнинг беш қитъаси полвонлари миллий курашимизни зўр қизиқиш билан ўрганишмоқда.

"Туркистон-пресс"

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

АҚШнинг Майами штатида теннис бўйича "Эриксон Оупен" халқаро турнирида аёллар ўртасидаги учрашувлар нихоясига етди. Финалда ҳамюртимиз Ирода Тўлагановани учинчи босқичда мағлуб этган Винус Уильямс ҳамда Женифер Каприатилар кортга чиқиди. Учрашувда уч сет натижасига кўра Винус Уильямс 4/6, 6/1, 7/6 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақаларининг Самарқанд вилоят босқичи ўз нихоясига етди.

"Фарзандлари соғлом юртқудратли бўлур" шиори остида ўтказилган мусобақаларда спортнинг етти тури бўйича ўсмир йигит-қизлар куч синашдилар.

2500 нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этган бу мусобақаларнинг очилиши ҳақиқий байрамона, кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. "Ёшлик" ўйингоҳи мусобақалар бошланиши олдида спорт ишқибозлари ва иштирокчиларнинг ота-оналари, тенгдошлари билан гавжум бўлди.

Мусобақаларда Боғишамол, Темирийўл, Ургут, Нарпай туманларидан келган мактаб ўқувчилари пухта тайёргарлик кўрганликлари боис, спорт турлари бўйича вилоятда биринчиликни қўлга киритишди.

Волейбол бўйича қизлар ўртасида Темирийўл туманидаги 51-мактаб, ўғил болалар

### "Olimpiada umidlari—2001"

Ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, келажакда спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этиш имкониятини яратиш мақсадида республикамиздаги 19 та нуфузли ташкилотлар "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақаларига ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олишганди.

2000 йил ноябр ойида Самарқанд вилоят ҳокимлиги халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ишлари, молия ва ички ишлар бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши, "Фидокор"лар миллий-демократик партияси вилоят Кенгаши, "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими, Самарқанд Давлат телерадиокомпанияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят "Пахта банки", "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг вилоят минтақавий

бўлмаса-да, Самарқанд Давлат университети ва кооператив-тиети ва кооператив-тиети коллежи 50 нафардан ўқувчини бепул ётоқхона билан таъминладилар. Мусобақаларда иштирок этган ўқувчиларни асосан вилоят таълим ва фан ходимлари касаб-уюшмаси кўмитаси, "Самарқанд почтаси" акционерлик жамияти, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти рағбатлантирди. Мусобақаларнинг адолатли ўтиши ва спорт анжумлари билан таъминлашда вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг катта ёрдами теғди.

"Тасвирий ойна" уюшмаси эмблема ва шиорлар ёзиб, мусобақа ўтказилган майдонни безаш ишларида кўмаклашди. Шунингдек, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар жамғармасининг вилоят бўлими ўзларининг совғаларини номига бўлса-да, тақдим этишди. Бирок бу совғалар вилоят миқёсида ўтказилган мусобақа голиблари ёки голиб жамоани тақдирлаш учун арзийдиган бўлмаганлиги сабабли

## МУСОБАҚАЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ, АММО...

ўртасида Ургут туманидаги 82-мактаб, шахмат бўйича Боғишамол туманидаги 9-мактаб, баскетбол бўйича қизлар ўртасида Темирийўл туманидаги 42-мактаб, ўғил болалар ўртасида шу тумандаги 29-мактаб, стол тенниси бўйича Боғишамол туманидаги 55-мактаб, енгил атлетика бўйича Боғишамол туманидаги 37-мактаб, қўл тўпи бўйича қизлар ўртасида Темирийўл туманидаги 43-мактаб, ўғил болалар ўртасида Боғишамол туманидаги 24-мактаб, футбол бўйича Нарпай туманидаги 66-мактаб ўқувчилар жамоаси биринчиликни қўлга киритдилар.

Спортнинг ҳеч бир тури бўйича совринли ўринларни эгаллай олмаган туманларнинг халқ таълими бўлими раҳбарлари ва мактаблар жамоалари ўзларича хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз.

Нима бўлганда ҳам мусобақалар муваффақиятли ўтди. Голиб жамоалар тақдирланди. Лекин, бизни бошқа нарса ўйлантириб қўйди. Ўзбекистон телеканаллари орқали эфирга узатилган "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақалари ҳақидаги реклама ролигини томоша қилмаган, руҳланмаган киши бўлмаса керак. Рекламада мусобақа ташаббускорлари бўлган ҳар бир ташкилот ном-ном санаб ўтилган.

бўлими, вилоят "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарварлар" ташкилотининг вилоят кенгаши, вилоят "Тасвирий ойна" уюшмаси, "Самарқанд почтаси" ҳиссасдорлик жамияти, "Наврўз" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг қўшма қарори имзоланган.

Бу қўшма қарорга биноан "Олимпиада умидлари—2001", мусобақаларининг 1-2-3-босқичларини ўтказиш ва тайёргарлик кўришда муассасаларнинг моддий техника базасини яхшилаш, спорт иншоотларини таъмирлаш, зарур спорт анжумлари билан таъминлаш ва ўқувчиларни тақдирлаш вилоят босқичида иштирок этадиган ўқувчиларни ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари ҳомийлар зиммасига юклатилганди.

Бирок, 1-2-босқич мусобақаларини кўя турайлик. Вилоят босқичига тайёргарлик чоғида вилоят халқ таълими бошқармасининг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Х.Ҳожиқулов идорама-идора чопавериб чарчади. Айрим "ҳомийлардан" бирор натижа чиқishiга ишонч қолмаган, вилоят халқ таълими бошқармаси мусобақада қатнашиши лозим бўлган 3 минга яқин иштирокчиларнинг барча харажатларини ўз зиммасига олишга мажбур бўлди.

Гарчи ҳомийлар қаторида

Маърифатпарварлар жамияти вилоят бўлими томонидан кўшимча совғалар тайёрланиб, мусобақа совриндорлари тақдирландилар.

"Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақаларининг Низомида "мусобақаларни оммавий, юқори савияда ва қизиқарли қилиб ўтказиш учун" юқорида номлари санаб ўтилган ташкилотлар "жавобгардирлар" дейилган. Спорт мусобақалари баҳоли кудрат ўтказилди, совғалар ҳам берилди, лекин...

— "Фидокорлар" миллий-демократик партияси вилоят Кенгаши;

— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоят бўлими;


— "Пахта банк" вилоят бўлими;

— "Ўзбектуризм" миллий компанияси вилоят ҳудудий бўлими;

— "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими каби ташкилот раҳбарларининг ёшлар тақдирига бефарқ ва совуққонликлари оқибатида уларнинг иштироки фақат қоғозларда қолиб кетди.

Шу ўринда келажак авлод тақдирига эътиборсиз қараган муассасаларнинг раҳбарларига "ўқувчи-ёшлар тақдири — эл юрт-тақдири" эканлигини эслатиб қўймоқчимиз.

**Н.ШЕРБОЕВА,**  
"Маърифат"нинг махсус мухбири



## ҚИСҚА ТАНАФФУСДАН СЎНГ

футбол бўйича олий лига жамоалари ўтган шанба(31 март) ва сешанба(3 апрель) кунлари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

### III ТУР. 31 март (шанба)

Семург - Пахтакор	— 0:1
Навбахор - Металлург	— 1:0
Сурхон - Дўстлик	— 4:2
Насаф - Кимёгар	— 5:1
Бухоро - Зарафшон	— 2:1
Кизилқум - Турон	— 1:0
Нефтчи - Трактор	— 5:1
Андижон - Академия	— 0:0
Самарқанд-Д - Сўғдиёна	— 2:0

### IV ТУР. 3 апрель (сешанба)

Семург - Металлург	— 1:1
Навбахор - Пахтакор	— 0:1
Сурхон - Кимёгар	— 1:2
Насаф - Дўстлик	— 1:0
Бухоро - Турон	— 5:0
Кизилқум - Зарафшон	— 1:0
Нефтчи - Академия	— 5:0
Андижон - Трактор	— 2:1

Бўлиб ўтган тўрт тур учрашувларидан сўнг Қаршининг "Насаф" жамоаси юз фоизлик натижа билан биринчи, Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси эса 12 имкониятдан 10 очко тўплаб иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Кейинги тур учрашувлари 11-12 апрель кунлари бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ЛИГА ХАМ МАЙДОНДА

Ўтган чоршанба куни мамлакатимизнинг бир неча футбол майдонларида Ўзбекистон X миллий чемпионати биринчи лига учрашувларининг байроғи ўтқарилди.

"Косонсой"(Косонсой)—"Кува"(Кува) — 3:0,

"Кўштепа"(Кўштепа)—"Риштон"(Риштон) — 3:0,

"Хоразм"(Ургенч)—"Ситора"(Бухоро) — 2:0,

"Шахрихон"(Шахрихон)—"Олтин тола"(Косон) — 0:1,

"Шўртан"(Фузор)—"Темирийўлчи"(Кўқон) — 0:0,

"Шўрчи"(Шўрчи)—"Оҳангарон-С"(Оҳангарон) — 2:1,


"НВУ-Осиё"(Тошкент)—"Гулистон"(Гулистон) — 4:1.

## “BUYUK SOHIBQIRON”

Belgilangan xonadan  
raqam atrofiga soat mili  
yo'nalishida:

AYLANMA KROSSVORD MUAMMONOMA - TEST

1. Amir Temur avlodiga mansub bo'lgan o'zbek urug'i. 2. Buyuk Sohibqiron o'zining pirlaridan biri deb bilgan ulug' shayxulislom. 3. Saltanat oldida ko'rsatgan ayrim xizmatlari uchun yer-mulkli soliqlardan ozod qilingan va boshqa imtiyozlarga ega bo'lgan amir. 4. Lahm, qal'a devori tagidan kavlanadigan yo'l. 5. O'sha zamonda qo'llanilgan vazn o'lchovi birligi. 6. Atoqli o'zbek din va jamoat arbobi, "Temur tuzuklari" asarining ona tilimizga ilk tarjimonining taxallusi. 7. Jang oldidan va g'alaba sharafiga chalingan davlat ramziga kiritilgan urma soz. 8. Sohibqironning padari amir Tarag'ay e'tiborli beklaridan hisoblangan ulus. 9. Tuman, shahar yoki viloyat hokimi lavozimi. 10. Amir Temurning otasi va keyinchalik sohibqironning ham piri bo'lgan yuqori ehtiromga sazovor bo'lgan shayx. 11. Asarlarida temuriylarni madh etgan o'zbek mumtoz shoiri, mutafakkir xamsanavis, g'azal mulkingning sultoni. 12. Davlat arboblari bilan turli masalalarni hal etishda o'tkaziladigan maslahat kengashi. 13. Sohibqiron ta'rificha, barcha bunyod-korlik, yaratuvchilik va aql-idrokning, ilmu donishning asosi, hayotni o'rganuvchi murabbiy. 14. Amir Temur e'tiqod qo'yib — "Fikrlash va mushohada qobiliyati, quvvaif hofizasi kuchli inson har qanday mushkulu mushkulodni oson qilish yo'lini topa oladi" — deb izohlagan insoniy layoqat. 15. Fuqarolarning davlat devoniga soliq to'lashi shart bo'lgan, hukmdorning qo'li ostidagi xalq. 16. Karvon to'xtab o'tadigan manzil, karvonsaroy. 17. Amir Temur hikmatidan: "Davlat ishlarining to'g'ri ulushi, kengash, ... va mashvarat, qolgan bir ulushi esa qilich bilan bajo keltirilur." 18. "Amir Temur" romani muallifi, o'zbek tarixchi olimi. 19. O'sha zamonda zarb etilgan kumush tanga. 20. Biror



shaxs nomiga qo'shib aytilgan, sipohiyning jangda ko'rsatgan qahramonliklari evaziga berilgan faxrli unvon. 21. Buyuk sohibqiron siymosini mo'yqalamda tasvirlagan taniqli o'zbek musavviri. 22. Odatda hujum qilinganda yoki bosqinni amalga oshirishda askarlarning jangovar hayqirig'i. 23. Mustahkamlangan joy, qal'a atrofiga qazilgan istehkom, chuqurlik. 24. Tosh yoki g'o'la otib qamal etilgan qal'a devorini buzishda qo'llanilgan jang quroli.

“HIKMATLAR”  
MUAMMONOMASI

Avvalo quyida keltirilgan Amir Temur merosiga mansub ibratli so'zlarda keltirilib raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib, ochqichni hal eting.

1. Shijoatli kishilarni 7. 13, 11, 15. tut, chunki Tangri taolo jasur kishilarni ardoqlaydi.

2. Raiyat ahvolidan 22, 8, 22, 20 bo'ldim, ulug'larini og'a qatorida, kichiklarini farzand o'rnida ko'rdim.

3. Davlatu saltanat uch narsa bilan: mulk, xazina va lashkar bilan tikdir. Dono vazir bularning har uchalasini 15, 2, 7, 21, 1, 4, 10, 22, 4, 6, 1, 10 bilan yaxshi ahvolda, saranjom tutadi.

4. Birni ko'rib fikr qil, birni ko'rib 9, 12, 10, 9, 4.

5. Qudratimizga shakshubhangiz bo'lsa, 21, 1, 14. qurdirgan binolarga boqing.

6. Bir tayoqni sindirmoq mumkin, 10, 13, 16. tayoqni bukib ham bo'lmas.

7. Avval yo'ldosh — keyin 17, 13, 6.

8. Betkay ketar, 21, 19, 6 qolar.

9. Yemsiz ot 7, 22, 18, 22,

osholmaydi.

10. Biz kim — mulki Turon, Amiri Turkistonimiz.

Biz 10, 1, 5. millatlarning eng qadimi va eng ulug'i turkning bosh bo'g'inimiz.

Endi shaklning ichki qismidagi raqamlarni ochqich javoblari asosida mos harflar bilan almashtirib muammonomani yeching. Ulardan Sohibqiron Amir Temur hikmatlaridan yana birini bilib olishga muvaffaq bo'lasiz.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 31 mart sonida berilgan «KITOBLARNI JOYLASHTIRIB» BOSHQOTIRMASI JAVOBI Kitoblar — aql farzandlaridir.

Корақалпоғистон Республикасининг энг кенжа туманларидан бири — Эллиқ-қалба маркази Бўстон шаҳри деб аталади. Ушбу масканга ташриф буюрган киши ўзини боғу роғлар, гуллар, табиатнинг энг кўркем ва фусункор гўшасига келиб қолгандек сезади. Бўстон шаҳрида жойлашган 4-“Шодлик” номли мактабгача таълим муассасаси кичкинтойларнинг жаннатмакон тарбия даргоҳларидан бири бўлиб, унда 100 нафардан зиёд болалар меҳрибон тарбиячилар қўлида камол топмоқда.

Биз “Шодлик” болалар боғчасидаги шарт-шароитларнинг талаб даражасида эканлигини, тарбиявий жараён намунали ташкил этилганлигини кўрдик. Боғча мудираси Жумагул Раҳимова тажрибали раҳбар — ташкилотчилардан бири бўлиб, кичкинтойларнинг тарбияси учун астойдил жон куйдиради. Жумладан, унинг саъй-ҳаракатлари натижасида боғчанинг моддий таъминотини, молиявий аҳволи-

“ШОДЛИК”  
КЎЧОҒИДА  
ЯЙРАЁТГАНЛАР

ни янада мустаҳкамлаш учун бир гектар майдонда иссиқхона ташкил қилинди. Унда бодринг, помидор, укроп, пиёз, лимон, мандарин етиштирилиб, боғча жамоаси эҳтиёжи учун ишлатилмоқда. Иссиқхонада узум ва турли гул кўчатлари ундирилиб, уларни сотиш орқали ҳам фойда олинмоқда. Давлат банкида боғчанинг ўз ҳисоб рақами очилган, муайян миқдорда маблағи бор.

Боғчанинг ёрдамчи хўжалигида товук, қуён, туяқушлар боқилмоқда, уларнинг сони 100 тадан ошиб кетди. Қўй, эчкилар боқиш ҳам режалаштирилмоқда. Боғча ҳудудида экологик шароитни тобора яхшилашга катта эътибор берилаяпти. Масалан, мевали дарахтларнинг ўзи 200 тадан зиёд. Олма, гилос, ўрик, узум, жийда каби мевалардан болалар баҳраманд бўлишмоқда.

Боғчадаги ҳар хил гулларнинг сони минг тупдан кўп. Алвонранг, ажойиб гулларга нигоҳингиз тушганда, баҳри дилин-гиз очилиб кетади, кўнглин-гиз яйрайди.

Боғчада шанбалик ва якшанбалик гуруҳлари ташкил қилиниб, унда боғчага тортилмаган болаларни мактабга тайёрлаш ишлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Тарбия маскани етук мутахассис кадрлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, улар ўз ишларини пухта билишади. Улардан бири — тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Ирода Юсупованинг иш тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси туманларида оммалаштирилди. Ота-оналарнинг таклифлари асосида боғчада инглиз тилини ўрганиш гуруҳи ташкил қилинган. Лингафон хонаси шу гуруҳ хизматида.

“Шодлик” боғчасининг ибратли хижатларидан бири — унда маънавият ва маърифат хонаси ҳамда музей ташкил қилинганлиги, болалар тарбияси ва қобилиятларини такомиллаштиришда булар муҳим омил бўлиб хизмат этаётганлиги десак янглишмаймиз. Боғча музейига кирганимизда замонавий Ўзбекистон қиёфасининг муҳим қирраларини кўргандек бўлдик. “Дамас”, “Нексия”, “Тико” русумли автомобилларнинг катта моделлари худди рўстакамидек бежирим қилиб, ясаб қўйилган.

Чиндан ҳам “Шодлик” болалар боғчаси исмига монанд бўлиб, унинг кўчоғида келажакимиз гўнчалари яйраб-яшнаб шоду хуррамликда камол топмоқдалар.

Ғойиб ЁҚУБОВ,  
ўз муҳбиримиз

## МУТАҚАҚҚИРЛАР

Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамшиша қанот бағишлаб келган.

P. РОЛЛАН.

Севимли аёлнинг, ҳаттоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозибани билан тўлиб-тошгандир.

СТЕНДАЛЬ.

Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсаининг ўрнини босолмайдиган аҳамият касб этади. У худди гўштга сепиладиган туздек: — юракка сингиб, уни бузилишдан сақлайди.

B. ГЮГО.

## АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми — заиф, кундузи — ғамгин бўлиб қолар эди.

P. БУАСТ.

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.

И. ТУРГЕНЕВ.

Табиат аёлга шундай дейди: урдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

P. БОМАРШЕ.

Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамшиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

C. БУФФЛЕР.

## Ma'rifat

ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаби уюммаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ, Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ(масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМ-ЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТУЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтариш руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари тахририятда терилди  
IBM компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА,  
Навбатчи: Баҳодир ЭЛИБОЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149, 150.  
Г-2317. Тиражи 38.105.  
Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоқ,  
Офсет усулида босилган,  
қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.  
Топширилди — 20.00